Ilm o'zni bilmakdir

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1998 йил 19 сентябрь, шанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 71 (7068)

Da'vat

Кўриш ва сезиш, бу мавжуд бўлмоқликдир, мулоҳаза юритиш эса яшаш демакдир.

Шекспир

Ibrat

УзФА Қорақалпоғистон филиали илмий ходими, кимё фанлари доктори Алламберган Айтмамбетов Нью - Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. Бу воқеа мамлакатимиз фани ютуқларининг ривожланган давлатларда кенг эътироф этилаётганлигига яна бир далилдир.

АСОСИЙ МАҚСАД – ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК

O'zbekiston — Isroil

Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Исроилга давлат ташрифи ниҳоясига етди. Давлатимиз раҳбари сафардан қайта туриб таъкидлаганидек, ташрифдан кўзланган асосий мақсадларга эришилди. Ташрифдан муддао эса, аввало, мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтириш ва бунинг учун зарур ҳуқуқий асосларни мустаҳкамлаш эди.

ЎзА хабарида айтилишича, ташриф давомида бўлиб ўтган икки мамлакат расмий делегацияларнинг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида ҳам асосий эътибор айни шу масалаларга қаратилди. Музокаралар якунида ушбу мақсадга хизмат қилувчи муҳим ҳужжатлар имзоланди. Жумладан, Президент Ислом Каримов ҳамда Бош вазир Бенямин Нетаняху мамлакатимиз ҳукуматлари ўртасида икки томонлама солиқ солмаслик, даромад ва солиқ тўлашдан буйин товлашнинг олдини олиш, шунингдек, ўзаро савдо ва иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битимларга имзо чекди. Қолаверса, икки давлат ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилишда ҳамкорлик қилиш, ўзаро техник ҳамкорлик, солиқ ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида ҳамкорлик қилиш, Узбекистон ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки билан Исроилнинг ташқи савдо суғурта корпорацияси «Ифтрик» ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Музокаралар сўнгида бўлиб ўтган матбуот анжуманида мамлакатимиз раҳбари Узбекистон билан Исроил иқтисодиётида бир-бирини тўлдирувчи омиллар талайгина эканини таъкидлади. Яъниким, табиий ресурсларимиздан унумли фойдаланиш учун бизга замонавий технология керак, хусусан, Исроилнинг қишлоқ хўжалиги, чорвачилик, деҳқончилик, ўрмончилик, озиқ-овқат ва паррандачилик каби йўналишларда катта фойда келтирадиган минитехнологиясига бизда эҳтиёж бор. Бу эса, ўз навбатида, Узбекистон, қолаверса, Марказий Осиё бозорида Исроилнинг фаол иштирок этиши учун шароит яратади. Телекоммуникация ва фармацевтика соҳалари ҳам ўзаро ҳамкорлигимизда истиқболли йўналишлардан саналади.

Шу маънода, Ислом Каримовнинг Исроилдаги пахтачилик, уруғчилик ва бошқа йўналишлар бўйича ўз технологияси билан донг таратган «Зераим Гедера» номли илмий ишлаб чиқариш ва янги навлар яратиш мажмуи билан яқиндан танишгани ҳам бежиз эмас.

Ташриф чоғида мамлакатимиз раҳбари Исроил самолётсозлик заводи — «Исроил эйркрафт индастриз ЛТД» корпорациясида ҳам бўлиб, завод раҳбари Моше Керет билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тўғрисида фикр алмашди.

«Шоҳ Довуд» меҳмонхонасида Исроилдаги ишбилармон доиралар вакиллари билан бўлиб ўтган учрашув ташрифнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди. Бу учрашув исроиллик ишбилармонлар Узбекистонга қанчалик катта қизиқиш билан қараётганини яна бир карра тасдиқлади. Учрашувда мамлакатдаги 100 дан ошиқ фирма ва корхона вакиллари иштирок этди.

Шу уринда бир гапни айтиш керакки, ташриф давомида мамлакатимиз раҳбарининг Исроил Президенти Бош вазири, шунингдек, Фаластин муҳториятининг раҳбари Ёсир Арофат билан учрашувлари, уларда муҳокама этилган масалалар Ислом Каримов Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишининг қатъий тарафдори эканини яна бир карра тасдиқлади.

Яқин Шарқдаги нотинчлик Афғонистондаги уруш билан ҳам узвий боғлиқ, — деди Ислом Каримов бу масала ҳақида ўз муносабатини баён этар экан.— Бугунги замон шундайки, дунёнинг бир бурчида ўқ отилса, унинг овози бошқа бурчида акс-садо беради.

Узбекистон Президентининг Исроилга сафари муҳим бир жиҳати билан ўзига хосдир: ташриф давомида икки мамлакат ўртасида ҳар томонлама алоқаларни янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратилди, томонлар ўз қарашларини ойдинлаштириб олди.

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида буюк ал-ломалар – Имом ал-Бухорий (1225 йиллиги) ҳамда Аҳмад Фарғонийнинг (1200 йиллиги) юбилейига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита мажлиси бўлиб ўтди.

• Токио университети профессори, таниқли мусаввир Икуо Хираямага Ўзбекистон Бадиий акаде-миясининг хорижий аъзоси дипломи берилди.

• Ўзбекистон Республикасининг «Автомобиль транспорти тўғрисидаги» Қонуни «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинди.

• Россиянинг «Сўнгги умид» деб ном олган янги ҳукумати таркибида яна қўйидаги ўзгаришлар бўлди: Владимир Булгак (саноат ва алоқа), Владимир Рыжков (ижтимоий соҳа), Александр Шохин (молиявий блок ва халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқа), Президент Б.Ельцин Фармони билан Бош вазир ўринбосарлари этиб тайинланишди.

• Германиянинг молия вазири Г.Рексродт бундан буён ҳам ГФР ҳукумати Россия билан ҳамкорликда ишлаётган Германия корхоналарини қўллаб-қувватлаяжагини маълум қилди.

• Афғонистондаги «Толибон» ҳаракати агар Эрон Афғонистонга ҳужум бошласа, Эрон шаҳарларини бомбардимон қилиши мумкинлигини эълон қилди.

МИЛЛИЙ СИМФОНИЯМИЗ ХУСУСИДА

XALQARO SIMFONIK MUSIQA FESTIVALI. TOSHKENT-98

Бугун ўзбек мусиқасининг ўша тиниб-тинчимайдиганлар юрти - Америкадан тортиб, севишганлар мамлакати - Ҳиндистон хонадонларига қадар кириб боргани ажабланарли ҳол эмас. Негаки, хорижнинг муҳташам залларида юзлаб мусиқа шайдоларини лол қилаётган пианиночи ва скрипкачи йигит-қизларимизнинг истеъдоди кўпчилик мусиқа билағонлари томонидан эътироф этила-ётганлиги барчага маълум. Шунинг ўзиёқ юртимизда симфоник мусиқа санъатига эътиборнинг нечоғлик эканидан далолат бермайдими?

Ҳа. Роса уч кундан сўнг «Туркистон» саройида очиладиган халқаро симфоник мусиқа фестивалига тараддуднинг ўзи ҳам фестивал моҳияти, кўлами қанчалар кенг эканини исботлаб турибди. Дунёнинг 28 мамлакатидан энг сара бастакорларни кутаётган ушбу анжуман беш кун давом этади. Анжуман ташкилотчиларининг фестивал рамзида Ҳумо қушини акс эттиришларида ҳам халқлар дўстлиги, биродарлиги мужассамдек.

Назаримизда, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг мантиқий давоми ҳисобланган ушбу анжуманнинг мақсади ҳам истеъдодларни рўёбга чиқариш, керак бўлса, ўзбекларда ҳам симфоник мусиқа санъати дунё миқёсида намойиш эта оладиган ўғил-қизлар борлигини яна бир карра исботлаш бўлса ажабмас. Умуман, кейинги пайтларда мусиқа санъатига бўлган эътиборнинг, ғамхўрликнинг ўзи ушбу соҳадаги ютуқларнинг омили бўлаётганини қувонч билан эътироф этиш мумкин.

Дарвоқе, мазкур фестивал хусусида фикр юритар эканмиз, беихтиёр шундай саволлар туғилади. Симфония нима ўзи? Бугун жаҳон симфоник мусиқаси ҳақида нималар биламиз? Бизнинг ҳам миллий симфоник мусиқамиз борми? Бор бўлса унинг бугунги ютуқлари нималардан иборат?

Биз ўзимизни ва табиийки, сизни ҳам қизиқтирадиган ушбу саволларимиз билан санъатшунослик фанлари номзоди, доцент Дилора Муродовага мурожаат қилганимиздa, у ушбу фикрларни айтиб берди:

— Асли симфония сўзи грекча бўлиб, «оҳангдошлик» деган маънони англатади. Симфония — симфоник оркестр учун мўлжалланган асар. У, асосан, соната-туркум шаклида бўлиб, одатда, 4 қисмдан ташкил топади.

(Давоми 2-бетда)

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

Юртимизда ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланиши боис, бугунги кунда республикамизнинг барча вилоятлари, шаҳар ва туманларида ана шу қутлуғ шодиёнага тайёргарлик жараёни авж олмоқда. Туман, шаҳар ҳокимликлари ўз тасарруфидаги халқ таълими, маданият бўлимлари билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ ушбу санага бағишлаб аниқ чора-тадбирлар белгилашган.

Кўп сонли ўқитувчиларимиз ва мураббийларимизнинг касб байрами жойларда қандай ўтади, деган мақсадда биз пойтахтимизга яқин жойлашган, республикамиз иқтисодий ривожланишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган, саноати ривожланган шаҳарлардан бири Чирчиқда бўлиб, бу ердаги амалий ишлар билан танишдик.

— Авваламбор, Чирчиқ — саноат, кимёгарлар,машинасозлар, металлургглар, қурувчилар шаҳри эканлигини таъкидлашимиз жоиз,— деди биз билан суҳбатда шаҳар ҳокимининг ўринбосари Замира Шомадиева. – Шунинг учун ҳам шаҳар ҳокими Дониёр Азизхўжаевнинг махсус қарорига биноан шаҳримиздаги Чирчиқ трансформатор заводи, «Кимёсаноат» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Узбекистон қийин эрувчи ва иссиққа бардошли металлар комбинати, «Ўзбеккимёмаш», «Чирчиқкишлоқмаш» заводлари каби йирик-йирик корхона-ташкилотларнинг раҳбарлари, «Соғлом авлод учун», «Камолот», «Маҳалла», «Нуроний», «Устоз» каби жамғармаларнинг шаҳар бўлимлари бошлиқлари, шаҳар ХТБ, маданият бўлими мудирлари иштирокида байрамни сермазмун ва яхши кайфият билан ўтказиш учун ишчи гуруҳи тузиб олдик.

Мазкур ишчи гуруҳининг асосий мақсади – мактабгача тарбия муассасасидан тортиб, барча мактаблар, ўрта махсус билим юртлари, қўшимча таълим масканлари, шунингдек, Чирчиқ давлат техника коллежи, индустриал техникуми, тиббиёт билим юрти каби таълим муассасаларида толмай меҳнат қилаётган азиз ўқитувчи-мураббийларимизни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиб, халқимиз миннатдорчилигини изҳор этишдир.

Асосий байрам тантаналари шаҳримизнинг тарихий иншоотларидан бири – гўзал Кимёгарлар саройида 29 сентябрда бўлиб ўтади. Шу куни саройнинг фойесида ўқитувчи-ўқувчилар қўли билан тайёрланган миллий ҳунармандчилигимиз намуналари — ўймакорлик, тикиш ва бичиш, юмшоқ ўйинчоқ, ганчкорлик санъати бўйича кўргазма ташкил этилади. Бундан ташқари шаҳар ўлкашунослик музейида шаҳримизнинг дастлабки қурилишида иштирок этган, бутун ҳаётини маорифга бахшида этган фидойи устозларимиз ҳақида материаллар тўпланиб, махсус стенд ва альбомлар тайёрланаяпти.

Шаҳар ҳокимияти юқорида қайд этилган корхона, ташкилотлар касаба уюшмалари ҳамда жамғармалар иштирокида бир гуруҳ ўқитувчи-мураббийларга қимматбаҳо совғалар топширадилар.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёш дафтарига

ТАЛАБАЛИК АРМОНИ

Украиналик 73 ёшли Владимир Гуров 5 йилдан буён Харьков университетига ҳужжат топшириб, омади чопмаяпти. Бу абитуриент 1992 йилда психология факультетига, кейинги йилларда филология факультетига, бу йил эса биология факультетига ҳужжат топширган эди. Талабаликнинг кекса талабгори ҳар гал диктантдан оқсаб қолмоқда.

ЭНГ ЁШ МУАЛЛИМА

Арен шаҳрида яшайдиган Мари Франсуаза эса 14 ёшда. Мактабни жуда ёш тугаллаган бу қиз айни кунда педагогика билим юртида таҳсил кўрмоқда – тез орада у Франциянинг энг ёш муаллимаси бўлади.

ОСМОНДАН ТУШГАНЛАР УЧУН БОШПАНА

Миср сахроларида маҳаллий аҳоли «Осмон уйи» деб атовчи улкан тош қурилма топилди. Чамаси қадимги мисрликлар ундан обсерватория ёки ибодатхона сифатида фойдаланишган. Бу ерда тарқалган афсоналарда эса, унда қачонлардир «осмондан тушган одамлар» яшашган, дея далолат беради. Айни кунда тарихчилар «тош уйи» устида изланишлар олиб боришяпти.

ҒОРДАГИ ҚАДИМИЙ ШАҲАР

Марокконинг Ужда шаҳри яқинидаги Зегзеле воҳасида катта ғорлар мажмуаси топилди. Археологлар ундан иш қуролларини, мурдалар қолдиқларини, ҳайвонларнинг кўпгина суякларини топдилар. Ғорлар даҳаси қадимда ҳозирги берберларнинг ўтмишдошлари бўлган овчилар қабиласининг шаҳри эканлиги маълум бўлди. Мутахассислар бу ерда одамларнинг 10,5 - 12,5 минг йил илгари яшаганликларини аниклашга муваффақ бўлдилар.

Kollejlar hayotidan

ИЛК ҚАДАМ ИШОНЧЛИ БЎЛСА...

Ҳар куннинг масъулиятини ҳар дақиқада, ҳар дақиқанинг масъулиятини эса юрак уриши билан ҳис этиш керак. Чунки буни тараққиётнинг ўзи тақозо этади. Қайсики, юрак уриш, биологик ривожланиш демак. Шу ривожланиш эса ҳаракатга боғлиқ. Ҳаракатлар умумлашиб онгли фаолиятни келтириб чиқаради. Айнан онгли фаолиятни тизимга солиш таълим жараёни билан боғланади. Шунинг учун ҳам таълим жараёнини тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимизда кенг қуламли тадбирлар асосида амалга оширилмоқда. Ушбу тадбирлар мазмунига Тошкент педагогика коллежида олиб борилаётган масъулиятли ишларни ҳам ҳеч иккиланмасдан киритиш мумкин. Албатта, ислоҳот ишларини олиб бориш бир қатор муаммо ва қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бироқ бу каби учрайдиган салбий ҳолатларни бартараф этиб келаётган жамоа раҳбари, педагогика фанлари номзоди О.Эшонҳўжаева бизга кадрлар тайёрлаш бевосита амалга ошириладиган босқич, яъни ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими борасида тажрибасинов майдони ҳисобланган коллеждаги ишлар хусусида қуйидагиларни гапириб берди;

— Жамоамиз 98 кишидан иборат бўлиб, шу ўқув йилидан бошлаб янги турдаги ўқув маскани сифатида фаолият кўрсатишни бошлади. Коллеж олдинги 2-педагогика билим юрти таркибида ташкил этилди ҳамда билим юрти мазмунан ва шаклан тубдан янгиланди.

(Давоми 2-бетда)

Тарих болаларимизга ўзлигини англаш, юрт истиқболини яна ҳам чуқур тушунишга ёрдам беради. Тошкент туманидаги Й.Охунбобоев номидаги 9-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Барно Сиддиқхўжаева ҳам ўз шогирдларига тарих саҳифаларидан муҳим ўрин олган қадимий шаҳарларимиз ҳақида сермазмун ҳикоялар айтиб бериш борасида кўргазмали қуроллардан кенг фойдаланмоқда.

Суратда: дарс жараёни.

Д.АҲМАД олган сурат

O'zbekiston – Misr

ИЛМИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЯДИ

Меҳр кўзда деганлари рост. Шу боисдан ҳам инсонлар дийдорлашув деганда, аввало, меҳрни, муҳаббатни назарда тутадилар. Хўш, бу меҳр ришталари халқлар, давлатлар ўртасида боғланса-чи? Унда нур устига нур бўлгани шу бўлади.

Куни кеча Тошкент Давлат юридик институтида Миср Араб Республикасининг мамлакатимиздаги элчиси, доктор Мамдуҳ Шавқий билан бўлиб ўтган учрашув ҳар иккала давлатларнинг узаро маърифий, маданий ва илмий ҳамкорликларини янада мустаҳкамлашга янги ҳисса бўлиб қўшилиши аниқ. Элчи жанобларининг бу олий даргоҳга илк ташрифлари шу йилнинг баҳорида бўлиб ўтган эди.

Учрашувни олийгоҳ ректори, юридик фанлари доктори, профессор Ҳалим Бобоев кириш сўзи билан очди. Сўнгра Миср Араб Республикасининг Узбекистондаги элчиси, доктор Мамдуҳ Шавқий олийгоҳ талаба ва устозларига ўзининг дил сўзларини изҳор этди. У олийгоҳнинг икки нафар энг аълочи талабалари – Севара Саиджонова ва Ҳасанов-Ботиров Темурларга элчихонанинг қимматбаҳо совғаларини тақдим этди. Шундан сўнг институт талаба ва домлалари сўзга чиқиб, элчига самимий миннатдорчилик билдиришди.

Эндиликда Тошкент Давлат юридик институти мазкур дипломатик корпус орқали Миср Араб Республикасидаги қатор юридик олийгоҳлар билан илмий алоқалар ўрнатишни мўлжалламоқда.

Учрашувда Миср Араб Республикаси элчисининг оммавий-ахборот воситалари бўйича матбуот шўъба раиси Раъфат Ас-Сабъа, элчихона маслаҳатчиси Ҳамид Шукрий ва бошқалар иштирок этишди.

Н.ОЧИЛОВ, «Маърифат»нинг махсус мухбири

ХАБАРЛАРИ — MMM

TARIX DARSLARI MUZEYDA

Shovot tumanidagi 14-maktabda tarix o'qituvchisi Ortiqboy Bekjonovning o'quvchilari yordamida tashkil etgan muzeyi nodir eksponatlarga boy bo'lib, ayni paytda tarix darslari ana shu muzeyda olib borilmoqda. Bu mashg'ulotlarning tarbiyaviy va ijodiy samaradorligini yanada oshirmoqda.

G'. YOQUBOV

AMERIKASHUNOSLIKDA A'LOCHI O'QITUVCHI

Konimex tumanidagi 2-maktab o'qituvchisi Nazira Xotamova AQSHning «AKSELS» jamiyati tomonidan shu yil o'tkazilgan «Amerikashunoslik va ingliz tilini o'qitishda a'lochiligi uchun» tanlovi g'olibi bo'ldi. Natijada maktab 2000 dollarlik, o'zi esa 200 dollarlik texnika va o'quv qo'llanmalariga ega bo'ldi.

M. ADIZOVA

INTILGANGA TOLE YOR

Respublika fanlar olimpiadasida sovrinli o'rinni egallagan Bo'stonliq tumanidagi 19-maktabning sobiq o'quvchisi Jamshid Saidazimov yaqinda poytaxtdagi Fransiya elchixonasi tomonidan o'tkazilgan «Fransiya - 98» tanlovi g'olibi bo'ldi.

A. ERMEKBOYEV

YIGIRMA YILDAN BUYON

«Andijon Yog'» xissadorlik jamiyati qariyb 20 yildan buyon shahardagi 10 - maktabga homiylik qiladi. Jamoa o'quv jarayonlarining boshlanishi bilan kam ta'minlangan oila farzandlarini qo'llab - quvvatlash uchun 150 ming so'm mablag' ajratdi. Bundan ota-onalar va o'qituvchiyu o'quvchilar minnatdor bo'lishmoqda.

Sh. KELDIYEV

MMM — XABARLARI

BO'LAJAK JURNALISTLAR UCHRASHUVI

ToshDUning jurnalistika fakultetida Germaniyaning Mittvayda shahridagi OAV instituti talabalari bilan bo'lajak jurnalistlarimiz o'rtasida ijodiy uchrashuv bo'ldi. Otto Alpendorfer boshchiligida kelgan mehmonlarga milliy qadriyatlarimiz aks etgan film namoyish qilindi.

T. RO'ZIBOYEV

ИЛК ҚАДАМ ИШОНЧЛИ БЎЛСА...

(Боши 1-бетда)

Янги касб-ҳунар коллежини ташкил этиш ва таъмирлаш ишларини олиб бориш учун Узбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан 15 миллион сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Шунингдек, Олий ва ўрта таълим вазирлиги томонидан коллежнинг моддий техника базаси кенгайтирилиб, 7 миллион сўмлик компьютер синфи, лингафон синфи, физика, математика синфлари ташкил этилди ва тўлиқ замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди. Коллежнинг таълим сифати ва мазмунини яхшилаш мақсадида 80 фоизга яқин ўқитувчиларимиз малакасини оширди ва янги ташкил этилган касб-ҳунар коллежида дарс берувчи ўқитувчи сертификатини олди. АҚШда малакасини ошириб келган 2 ўқитувчи ҳам коллежимизда дарс бера бошлади. Шу билан бирга коллежимизда ўқиш истагини билдириб, кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширган талаба- ёшларга замонавий билимларни беришда зарур бўлган ўқув дастурлари ва режалари вазирликлар ва коллежимиз жамоаси томонидан ишлаб чиқилди. Бугунги кунда бу дастур, режалар тажрибавий давлат ҳужжатлари сифатида синовдан ўтказилмоқда.

Умуман, олдимизда турган масъулиятли ва шарафли ишни бажаришга аҳил жамоамиз билан киришдик. Бу йилдан бошлаб коллеж икки йўналиш бўйича мутахассислар тайёрлашга киришган.

Биз бу йилги қабул ишлари билан ҳам танишиш мақсадида қабул комиссиясининг масъул котиби М.Тожиевдан айрим маълумотларни олдик:

— Мазкур йилдаги қабул ишлари ҳар йилгига нисбатан анча масъулиятли ўтди. Чунки янги турдаги ўқув юртига айландик ва бу кўпроқ қабул қилинган талабаларнинг ҳам билим савиясига боғлиқ.

Агар қабул ишлари хусусида гапирадиган бўлсам, бу йил коллежимизга 250 та талаба қабул қилинди. Коллежимиз фақат 9 йиллик маълумоти бор ўғил-қизларни қабул қилди. Шулардан 200 таси «мактабгача таълим муассасалари тарбиячиси ва оилада мактабгача таълим ўқитувчиси» мутахассислигига; 50 та талаба эса «тўғарак раҳбари» мутахассислигига қабул қилинди. Бугунги кунда коллежимизда қарийб ҳамма вилоятлардан талабалар бор.

Коллежнинг икки йўналишида ҳам ўқиш муддати 2 йил 10 ой. Малакали мутахассисни шу давр мобайнида тайёрлаш учун аниқ тузилган ўқув режалар зарур бўлади. Биз шу мақсаддан келиб чиқиб коллежнинг ўқув режаси билан қисман танишиб чиқдик.Коллежнинг Давлат ҳужжати «Касб-ҳунар коллежларида кичик мутахассислар тайёрлаш учун тажрибавий ўқув режа» деб тасдиқланган. Ўқув режа учта умумтаълим фанлари, умумкасбий фанлар, махсус фанлар каби бўлимдан иборат. Ўқув режага жами 4560 соат ажратилган. Демак, ўқув режасига мувофиқ шу вақт ичида малакали мутахассис тайёрланади Бироқ, шу ўринда ҳақли савол туғилади: «Ўқув режа тўлиқ замонавий малакага эга мутахассисни тайёрлаб бера оладими?

Хулоса шукки, янги турдаги ўқув юртлари ташкил этилмоқда, аммо бу ўқув юртлари олдинги ўқув юртларидан замонавий малакани бериш кафолати билан фарқ қилиб туриши лозим. Биз кафолатланган таълим тизимини яратишга қонун йўли билан ўтдик. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, яқин кунларда коллеждаги ўқув тарбиявий жараён билан танишиб, «Тажрибавий ўқув режа»нинг таҳлилини бериш истагимиз бор. Шунингдек, яратилган ўқув дастурлар ва ўқув фанларининг аҳволини таҳлил қилишни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Қ. БОЙМИРОВ

БАЙРАМ ТАРАДДУДИ

(Боши 1-бетда)

Кимёгарлар маданият саройидаги тантанали йиғилишдан сўнг «Таъзим сизга, устозлар!» катта байрам дастури намойиш этилади. Бунда турли касб эгалари таълим ходимларини қутлайдилар. Кўп йиллар маориф соҳасида фаолият кўрсатган, халқимиз обрў-эътиборини қозонган таълим фидойилари эса ёш педагог кадрларга ўгит-насиҳатлар айтиб, рамзий маънода эстафета топширадилар. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шаҳримиз ўзига кадрларни ўзи тайёрлайди ва уларни иш билан таъминлайди. Шу боис, барча йирик корхона-ташкилотлар маориф ходимларига ёрдамини аямайди. Соғлиғини тиклаш лозим бўлган таълим ходимлари, нафақадаги устозлар учун ушбу корхоналарнинг сиҳатгоҳлари, профилактория, тиббиёт масканларида кундузги стационарлар тайёрлаб қўйилган.

Байрам кунлари шаҳар истироҳат боғи, кимёгарлар боғида халқ сайиллари, санъат усталарининг концертлари бўлиб ўтади, бу ердаги барча аттракционлар ишлаб, «Чирчиқсавдо», «Чирчиқтаом» жамиятлари халққа хизмат кўрсатадилар. Шаҳар кинотеатрларида, Чирчиқ телевидениеси ва радиосида байрамга бағишланган махсус кўрсатувлар ва эшитиришлар намойиш этилади...

Шаҳар миқёсида ўтказилажак тадбирлар билан танишдик. Энди, айни таълим муассасаларида байрам қандай нишонланади, деган савол билан шаҳар халқ таълими бўлимига ташриф буюрдик. Бу ерда ХТБ мудири Саид Аҳмедов, услубхона мудири Умида Асқарҳўжаева ҳамда таълим ва фан ходимлари шаҳар касаба уюшмаси қўмитасининг раиси Мукаррам Исроиловалар ушбу байрам дастурлари ва сценарийлари устида ишлашмоқда экан. Қисқача суҳбатимиздан аниқ бўлгани шуки, мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида байрам арафасида нафақадаги ўқитувчи-мураббийлар билан учрашувлар, соғлиги ночор меҳнат фахрийлари уйларига совға-салом билан ташриф буюриш, мактаб музейларидаги материалларни янгилаб, махсус стендлар ташкил қилиш, деворий газеталар чиқариш, устозларга бағишлаб ашула кўрик-танловини ўтказиб, ғолибларни муносиб тақдирлаб, уларга шаҳар босқичига йўлланма бериш, таълим муассасаси ва унинг атрофида ободончилик, тозалик ишларини ўтказиш кўзланмоқда экан.

Боғча ва мактаблар жамоаси маҳалла қўмиталари билан отаоналар иштирокида тадбирлар уюштириб, уларда миллий спорт ўйинлари, халқ ўйинларини ўтказиб, ҳар хил кўргазмалар ташкил этилади. Шунингдек, байрам кунлари турли йилларда мактабни тугатган собиқ ўқувчилар - синфдошларнинг дийдор учрашувларини ўтказиш ҳам мўлжалланмоқда.

Бугунги кунда шаҳар ХТБ тасарруфидаги таълим масканларида жами 2300 та ўқитувчи ва 776 та тарбиячи фаолият кўрсатаётган бўлишса, байрам кунлари буларнинг барчасига ҳар қанча ҳурмат-эътибор кўрсатсак арзийди. Зеро, халқимиз устозни хамиша улуғ деб билган, унга таъзим қилган.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат» мухбири

УСТОЗЛАР УЛУҒЛАНАДИГАН КУН

РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ - ТАРБИЯ МУАССАСАЛАРИДА «ЎҚИТУВЧИЛАР ВА МУРАББИЙЛАР КУНИ» УМУМХАЛҚ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАШ БЎЙИЧА МЕТОДИК ТАВСИЯЛАР

Республика таълим - тарбия муассасаларида «Оила» йили бўлмиш – 1998 йилда умумхалқ байрами сифатида нишонланаётган «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» алоҳида тайёргарлик билан, қутаринки руҳда ўтказилиши кўзда тутилмоқда. Чунки, оилада ота-она фарзанд тарбияси учун қанчалик жавобгар бўлса, боғча, мактаб ва бошқа ўқув юртларидаги ўқитувчи ва мураббийлар инсон баркамоллигига шунчалик масъулдир. Ота-она фарзандни жисман бунёд этса, устозу мураббий уни маънан ва ақлан чархлайди.

Демак, ўқувчи - ёшлар, умуман инсон дунёқарашини шакллантиришда устозлар хизматлари катта аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам бизнинг мустақил Ўзбекистонимизда юртбошимизнинг махсус кўрсатмаларига биноан бу йил иккинчи йилдирки, «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни» умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.

Жойларда мазкур байрамни ўтказишда қуйидагиларга эътибор бериш зарур.

Авваламбор байрам ўтказишнинг режаси ва сценарийси ишлаб чиқилади.Байрам тадбирларида уларнинг машаққатли, шарафли ишларига ургу бериш лозим.

Устозлар ҳақида буюк алломалар ўгитларини эслаб ўтиш ҳам фарз, ҳам қарздир. Бу кун устозу мураббийлар табрик ва миннатдорчилик, илиқ сўзлар эшитадиган шодиёна кун бўлиши шарт.

Байрам шодиёналарига отаоналар, маҳалла фаоллари, ҳокимият, халқ таълими ходимлари, ёзувчи, шоирлар, санъат ва маънавият аҳли, ҳомий ташкилотлар, фахрий ўқитувчи ва мураббийлар, «Устоз», «Камолот», «Умид», «Улуғбек», «Маҳалла», «Наврўз», «Нуроний» к а б и жамғармалар, радио-телевидение ва оммавий ахборот воситалари «Устоз – отангдан улуғ», «Устоз – улуғ ном», «Таъзимимиз сизга» сингари мавзуларда ўтказилса яхши бўлади.

Байрамда ёш қаламкашлар, ёш ҳунармандлар, ёш мусаввирлар, ёш чеварларнинг кўрик-танлов ва турли хил спорт мусобақалари, машқларини ўтказишга ҳам эътибор бериш керак.

Байрамни қуйидаги режа асосида ўтказиш мақсадга мувофиқдир:

— «Ўқитувчи ва мураббийлар куни»нинг дам олиш куни деб эълон қилинганлиги давлатимизнинг устозларга ҳурмат-эътибордан эканлигини тушунтириш;

— Давлат мукофотига муяссар бўлган устозлар ҳақида маълумот;

— устоз мураббийлар руҳини ёд этиш;

— ўқитувчиларни тақдирлаш, уларга совға бериш;

— нафақахўр устозлар ҳузурида бўлиш ва улар кўнглини кўтариш;

— концерт дастурида уларни мадҳ этиш;

— кўргазма ташкил этиш;

— саҳнани мавзуга мос қилиб безатиш;

— деворий газетанинг янги сонини «Устоз ва мураббийлар куни»га бағишлаш.

Қисқаси, устозу мураббийларга бўлган самимий муносабат байрам тадбирларида ўз аксини топиши, бу кун том маънода байрам бўлиши лозимки, токи устоз деган шарафли ном эгаси бу кунни доимо эслаб юрсин.

М. Туропова,
Республика Таълим маркази Маънавият ва қўшимча таълим бўлими бошлиғи

Sharh

ЯНА ГЕПАТИТ ҲАҚИДА

Якинда Тошкент шаҳрида Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Халқ таълими вазирликлари фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тадбир кун тартибидаги асосий масала сифатида яна вирусли гепатит муаммоси мубоҳаса этилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ўлатга қарши кураш станцияси бошлиғи профессор М.Ҳакимов «Вирусли гепатитларнинг Тошкент шаҳрида, 1998 йилнинг 8 ойлик ҳолати ва уни камайтириш бўйича ўтказилаётган мажмуавий тадбирлар тўғрисида» мавзуидаги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош эпидемиология, Тошкент шаҳар ССББси қошидаги вирусли гепатитларга қарши кураш штабининг бошлиғи, профессор О. Миртозаевнинг штаб фаолиятига доир маърузаларида ушбу касалликлар профилактикаси борасидаги амалий ишлар атрофлича таҳлил этилди. Уз навбатида сўзга чиққан Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳ.Йўлдошев шаҳардаги ўқув-тарбия муассасаларининг янги ўқув йили ва кузги-қишги мавсумга тайёргарлиги хусусида гапирар экан, ушбу муассасаларнинг айримларида вирусли гепатитларнинг олдини олиш чора-тадбирларини бажаришда сусткашликка йўл қўйилаётганликларини аёвсиз танқид қилди.

Халқ таълими вазирлиги республика таълим муассасаларида эътиборга олиниши шарт бўлган йўриқномани ишлаб чиқди. Унда умумий ўрта таълим мактабларида тиббий ва изолятор хоналарини дори-дармон ҳамда зарур жиҳозлар билан таъминлаш, вирусли гепатит касаллиги билан оғриган беморларни ўз вақтида соғлиқни сақлаш ходимлари билан ҳамкорликда аниқлаш, шифохоналарга етқизиш ва даволашни ташкил этиш, шунингдек, барча умумтаълим мактабларини шифокорлар билан тўлиқ таъминлашга эришиш, барча мактаб ва боғчаларни санитария техник ҳолатини назорат қилиш, камчиликларга йўл қўйган шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш белгиланган. Мазкур йўриқнома асосида республикамизнинг барча туман ва шаҳарларидаги ўқув муассасаларида вирусли гепатитнинг олдини олиш чоралари ўз вақтида кўрилса, ўйлаймизки, олдиндаги ўқув йилида ушбу касалликка катта зарба берилган бўларди.

Н. ОЧИЛОВ

Ochiq muloqot

МУРУВВАТЛИ ДАВЛАТ – ФУТУВВАТЛИ

Мамлакатимиз ижтимоий ҳимояга йўналтирилган бозор иқтисоди асосида ривожланиб борар экан, Республика Ижтимоий таъминот вазирлиги зиммасига ҳам ўзига хос янги вазифалар юкланиши табиийдир. Бугун вазирлик амалга ошираётган ишларга назар ташлаб, унинг нафақахўр, ногирон, ҳамда бошқа меҳнатга қобилиятсиз, давлатнинг ёрдамига муҳтож фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш борасида давлат сиёсатини юритувчи ягона механизм эканлигини янада яққолроқ кўришимиз мумкин. Фуқароларни пенсия билан таъминлаш, ёлғиз қарияларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш, ногиронларни ижтимоий ва меҳнат реабилитациясини ташкил этиш, муҳтожларни ҳаракат воситалари ва протез-ортопедия маҳсулотлари билан таъминлаш масалалари вазирликнинг диққат марказидадир.

Ижтимоий таъминот тизимида Нафақа жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги, 12 вилоят ва Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармалари, 183 туман ва 31 шаҳар ижтимоий таъминот бўлимлари, ногиронлар учун 26 мурувват уйлари ва ёлғиз қария фуқаролар учун 8 саховат уйлари, 176 тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари, Ногиронларнинг миллий реабилитация маркази ва ҳудудий реабилитация марказлари тизими (МДҲда ягона ногиронлар реабилитация тизими), 2 сиҳаттоҳ, фахрийлар учун оромгоҳ, 15 нодавлат протез-ортопедия корхоналари, шу жумладан, «Ортопедия» ОТАЖ ва 2 қўшма корхона, юридик коллеж, ногирон болалар учун 3 ҳунар-техника билим юрти, тизим мутахассислари малакасини ошириш Республика курси иш олиб бормоқда.

Вазирлик 3 млн.206,2 минг нафақахўр ва ижтимоий нафақа олувчиларга хизмат кўрсатади. Бу республика аҳолисининг қарийб 12 фоизини ташкил қилади. Бу тўловлар учун Нафақа жамғармаси ҳисобидан ҳар ойда 7.7 млрд. сўмдан ортиқ маблағ сарфланади. 1998 йил 1 июльдан нафақаларнинг ўртача миқдори 3057.25 сўмга оширилди. (29.4 АҚШ $).

Ижтимоий таъминот тизимидаги саховат ва мурувват уйларида 6864 қария ва ногирон истиқомат қилади.

Уйида хизмат кўрсатиладиган ёлғиз меҳнатга қобилиятсиз фуқаролар 22287 кишини ташкил этиб, булардан 14656 киши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1991 йил 27 майдаги Фармонига биноан имтиёзлардан фойдаланади.

1998 йилнинг 1 ярмида реабилитация марказларида 1366 ногирон реабилитациядан ўтказилган. Муҳтож нафақахўр ва ногиронларга республиканинг турли сиҳаттоҳ ва оромгоҳларига 9.3 минг йўлланма, 1302 дона протез-ортопедия маҳсулотлари, 2276 жуфт махсус ортопедик пойафзал, 476 дона ногиронлар аравачаси, 740 дона эшитиш аппарати, 4502 дона қўлтиқ таёқ ва ҳассалар берилди.

Миллий Матбуот марказида бўлиб ўтган навбатдаги матбуот - конференциясида шу тафсилотлар айтилди. Мамлакатимиз журналистлари ва жаҳон оммавий ахборот воситалари вакилларининг бу галги саволларига Ижтимоий таъминот вазирлиги бошқарув ҳайъати жавоб берди.

Норали АСЛОН

МИЛЛИЙ СИМФОНИЯМИЗ ХУСУСИДА

(Боши 1-бетда)

Характер бўйича эса симфония - фожеа, драма, лирик поэмага мос келади. Симфония чолғу мусиқасининг энг юксак тури бўлиб, ўзининг кенг имкониятлари билан, яъни ғояни ифодалаш ва ҳиссий кечинмаларни тингловчига жозибали етказиб бера олиш имконини беради.

Жаҳон симфоник мусиқаси ҳақида гапирадиган бўлсак, симфония жанри XVIII асрда Вена классик мактаби командалари ижодида шаклланган. Унинг шаклланишида И.Гайдн, В.Моцарт, Л.Бетховен сингари мусиқашуносларнинг ҳиссаси катта бўлган. XIX асрга келиб симфония янги композиторлар ижодида янги мавзулар билан бойиди, XX асрга келиб эса симфония бутун дунёга ёйилди. Энди у йирик намоёндалари кашфиёти билан янги мусиқа ифода воситасига айланди ва шакл жиҳатдан мураккаблашди.

Симфония жанри бизнинг миллий мусиқамиз тарихида 1940 йилларда пайдо бўла бошлаган. Миллий симфониямизнинг илк муаллифлари деб М.Ашрафий, Г.Мишель, М.Штейнберг каби истеъдодли композиторларни кўрсатиш мумкин.

Агар эътибор берсак, 60-йиллардан бошлаб ушбу жанрга эътибор кучайди. Натижада симфония мураккаблашиб, замонавий симфонизм тамойилларини ўзлаштирди. Яъни фалсафий ғоялар билан суғорилди.

Умуман олганда, бизнинг миллий симфоник мусиқамиз мавжуд. Мавжуд бўлганда ҳам, бугун ҳар жиҳатдан жаҳон талабларига тўлиқ жавоб бера олади.

Бугунги миллий симфоник мусиқамиз равнақи ҳақида айтмоқчи эканмиз, табиий равишда унинг ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш жоиз. Шундай экан, айтиш мумкинки, бугун симфоник оркестр иштирокида ижро этишга мўлжалланган баркамол санъат асарларини яратаётган Мутал Бурхонов, Нурилла Зокиров, Мустафо Бафоев, Рустам Абдуллаев, Надим Норхўжаев, Аваз Мансуров сингари ўнлаб ижодкорларнинг меҳнатини алоҳида қайд этиш мумкин.

Дарҳақиқат, юртимизда халқаро симфоник мусиқа фестивали ўтказилар экан, шуни ишонч билан айтиш мумкинки, эндиликда миллий мусиқий қадриятларимизни тиклаш, ривожлантириш ва уни жаҳон саҳнасига олиб чиқишдек шарафли ишга бел боғланди.

Алишер НАЗАРОВ



Сайхунобод туманидаги «Камалак» номли боғча-мактаб ўқитувчиси Ойгул Турсунова кўп йиллардан буён ўз касбини улуғлаб келаётган инсонлардан. Унинг сабоқлари ҳамиша болажонлар учун ҳаяжонли кечади.

Н.МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат

АЪЛО ЮРТГА АЛИШМАСМАН

G'urur

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази тасарруфидаги муассасалардан жами қирқ нафар инженер-педагог ходимлар ва мутахассис-ўқитувчилар Нью-Йорк шаҳридаги Нью-Пальтц университетида ўтказилган Америка Олий бошқарув таълим семинарида қатнашдик ва ўз билимларимизни ошириб қайтдик.

Ўқиш даврида ўзбекистонлик барча мутахассислар мадҳиямиз садолари остида Нью-Пальтц халқаро Бизнесс Университетининг «сертификат-дипломи»ни ва фахрий кўкрак нишонини олишга сазовор бўлдик.

Ўқиш даврида биз мутахассислар Америка таълими бошқаруви раҳбарлари, университет ва коллежларининг ўқитувчилари билан учрашдик.

АҚШ ўқув юртларининг ҳозирги кундаги фаолияти, таълим тизимидаги янгиликлар, ўқитишдаги энг замонавий технологиялардан хабардор бўлдик. Зарур бўлган қўлланма ва дастурлардан намуналар олиб келдим. Ҳар бир учрашув ва сухбат менда катта таассурот қолдириш билан биргаликда улкан масъулият ҳам юклади. Чунки, қилинган ҳар бир масъулиятли иш, ҳар бир учрашув босган ҳар бир қадамларим мендан мустақил Ўзбекистон учун, тинчлик ва ёшларимизнинг порлоқ келажаги учун ижобий натижалар кутар эди.

Ишончим комилки, Ўзбекистондаги барча ислоҳотлар қисқа муддатда ўз самарасини беради. Биз тарбиялаётган авлод, ҳеч шубҳасиз Ўзбекистон тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлади.

Саидаҳмад АЛИМАТОВ
Наманган вилояти, Чортоқ тумани

ЎЗЛИГИМИЗ ЎЗАГИ

ёхуд АЛП ЭЛ ҲАҚИДАГИ РИВОЯТ

Аждодларимиз халқ оғзаки ижодиёти дурдоналарини ардоқлаб, авлоддан-авлодга етказиб келмоқда. «Адабиёт қоидалари»да халқ оғзаки ижодининг турлари – ашула, эртак, мақол, топишмоқ, лапар, достон кабилар «эл адабиёти», деб аталган. Эл адабиёти намуналаридан бири достон бўлиб, унда воқеа-ҳодисалар халқ ҳаёти билан боғлаб акс эттирилади, ривоятлар ҳам халқ турмушига боғлаб ифодалаб берилади. «Алпомиш» достони инсонпарварлик ва адолат ғояларини ўзида мужассам этган асардир.

Абдурауф Фитрат «Адабиёт қоидалари» (1926) китобида «Алпомиш» достони ҳақида маълумот берганда, асарнинг «бахши»лардан ёзиб олинганини таъкидлайди. Бу хусусда Ғози Олим Юнусов 1922 йили Ҳамроқул бахши ва Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган «Алпомиш» достони ҳақида гапириб, ундан намуналар келтиради. Демак, достон дастлаб Ғози Олим томонидан ёзиб олинган. Ҳамид Олимжон эса бу достонни 1938 йили Фозил Йўлдош ўғли оғзидан ёзиб олган. Ҳамид Олимжон ёзиб олган «Алпомиш» нусхаси уч марта нашр этилган. Унинг учинчи нусхаси 1958 йили китобхонлар қўлига теккан эди. Ана шу нашр 40 йилдан бери халқимизни хушнуд этиб келмоқда. Бундан достоннинг бошқа муаллифлар ёзиб олган нусхалари маъқул эмас, деган маъно келиб чиқмаслиги керак.

«Алпомиш» достонида Девонбий, Алпинбий, Бойбўри, Бойсари, Ҳакимбек - Алпомиш, Ойбарчин, Ёртибой (оқсоқол), Суқсур (канизак), Тойчахон, Қалдирғоч, Кўкалдош, Кўпаман, Кўккашқа, Ойқашқа, Қўшқулоқ ва бошқа қаҳрамонларнинг ҳатти-ҳаракатлари ўз аксини топган. Улардан фақат иккитаси - Алпомиш ва Ойбарчин бош қаҳрамонлардир. Барча воқеалар ана шу асосий образларни ҳар жиҳатдан тўлдириш учун хизмат қилади.

Достон насрий ва шеърий тафсилотлардан иборат бўлиб, қарийб уч юз бет, икки катта бўлимдан ташкил топган. Ҳар бир бўлимда бештадан боб мавжуд.

Достон оға-ини Бойбўри ва Бойсарининг ота-боболари номларини келтириш билан бошланиб, улар Қунғирот элининг бойи ва шоҳи эканлиги ҳикоя қилиб берилади. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам фарзандсиз эдилар. Оға-инилар бир тўйга борганларида, бойлик ва мансабларига қарамасдан, уларга деярли эътибор бермайдилар. Уйларига қайтиб келишгач, узоқ уйлайдилар, мулоҳаза қиладилар. Шунда бунинг сабаби фарзандсизликларида эканлигини фаҳмлайдилар...

«Алпомиш» достонида оила, фарзанд тарбиясидан ташқари китобнинг аҳамиятига ҳам юқори баҳо берилади. Сахийлик ва бахиллик хусусида гап кетганда, Ҳакимбек китоблардан олган билимларга асосланиб, қуйидагича хулосага келади:

«Вақт-бевақт бировникига бир меҳмон келса, отини ушлаб, жой бор бўлса, кўнглини хушлаб жўнатса, бул одам сахий, агарда жой бор бўла туриб, «жой йўқ» деб қўндирмай жўнатса, бул одам бахил».

Ҳакимнинг мулоҳазаси инсонпарварлик, адолат ғоялари билан суғорилгандир. Бу ҳаёт тажрибаси натижаси бўлиб, анъанавий равишда давом этиб келмоқда. Зеро, бой кишининг бошқаларга ҳомийлик қилиши, хайрия бериши ҳақиқий инсонпарварлик белгисидир.

Достонда Бойсари арзимаган бир сабаб билан ўз элидан Қалмоқ томон кўчиб кетишга жазм этади. У билан бирга ўн минг уйли уруғдошлари ҳам кўчиб кетишга қарор қилишади. Шундай ҳолда, Ойбарчиннинг кўнгли бир оз бузилганини сезган онаизори қизига тасалли бериб, шундай дейди:

Не сабабдан, болам, кўнглинг бўласан?
Жаҳонни сайр этиб, ўйнаб куласан.
Яхши-ёмон элни юриб кўрасан,
Ахир, бир кун яна қайтиб келасан.

Юқоридаги шеърий парчадан кўриниб турибдики, инсон ота-она, қавм-қариндош, эл-уруғ билан бирга бўлиш, улардан ажралиб кетмаслиги, қандай бўлмасин, узаро аҳиллиқда яшаши лозим экан. Мабодо, узилиш юз берса ҳам, у вақтинчалик ҳолдир. Чунки киндик қони тўкилган тупроқ азиз ва муқаддасдир.

Албатта, Барчиной узга юртда кўп қийинчиликларга дуч келади, барчасини юксак ақлидрок билан енгади. Ниҳоят, севишганлар орзусига эришади.

Шундай қилиб, Алпомиш ва Барчинойларнинг ширин ҳаёти бошланди. Барча шартлар адолатли бажарилди. Аммо Барчинойнинг отаоналари қалмоқлар томонидан ҳурлана бошлангач, Алпомиш ҳам чидаб тура олмайди. У қариндошларига ёрдамга отланди. У ерда эса кучлар тенг келмайди ва у кўп қийноқларни бошидан кечирди...

Достонда Ойбарчин тимсолида вафоли ёр образи тасвирланади. Чунки, у ҳар қандай оғир шароитда ҳам ўз севгилисига вафодорлигича қолади.Бу ҳақиқий содиқлик нишонасидир:

Эр Алпомиш ёрим бордир,
Элда зўраворим бордир,
Қатордаги норим бордир,
Шундай қайсарим бордир.

«Алпомиш»да халқлар дўстлиги Алпомиш ва Қоражон образларида ўз ифодасини топган. Бу дўстлик Кашалда бошланди, Қунғирот элида давом этди ва жиддий синовлардан ўтди.

Достоннинг охирида Ултонтоз Алпомишни улган деб ишониб, Ойбарчинни хотинликка олиш учун мажбурий равишда тўй тантаналарини бошлаб юборади. Алпомиш етиб келиб, «Қултой» бўлиб, аввал Бодом бикач билан, сўнгра Ойбарчин билан ёр-ёр айтишади.

«Қултой»:

Ойбарчиним, ёр-ёр,
Гул Барчиним, ёр-ёр,
Ақлинг бўлса ўйла-да
Бил, Барчиним, ёр-ёр
Ултонтозга теккунча,
Ўл Барчиним ёр-ёр.

Барчин:

Ундай дема қайнага,
Бундай десанг-а, ёр-ёр,
Булбул қўнар тўқайнинг
Жийдасина ёр-ёр,
Ултонтозга теккунча,
Қора ерга тек десанг-а, ёр-ёр.

Шундай қилиб, «Алпомиш» достонининг ечимида кўп қийинчиликлар, тўсиқликлар бўлишига қарамай, асар ўзининг ижобий якунини топади:

Ултонтоз ўзини ҳар ерга уради,
Алпомишни кўриб, ҳоли танг бўлади...
Обод қилиб ётир шаҳрини,
Омон-эсон кўриб кирдикорини,
Никоҳ қилиб олди Барчин ёрини,
Кўнгилдан чиқариб бор ғуборини.

Алпомиш ўз элига хон бўлиб, Ойбарчин бека бўлиб, ўғли Ёдгор вояга етиб давру даврон сурадилар.

Назар РАЖАБОВ,
филология фанлари доктори

БИЗ ХАЛҚНИ МАДАНИЯТИ, МАЪНАВИЯТИ ОРҚАЛИ БИЛАМИЗ

ёхуд 1998-1999 ўқув йилида «Жаҳон тарихи» дарсларини 5—11-синфларда ўтиш бўйича методик тавсиялар

Жаҳон тарихининг ҳозиргача ўрганилиб келинаётган курси асосан тўртта: қадимги, ўрта асрлар, янги ва энг янги даврларни ўз ичига олади. Бу даврлар инсоният цивилизацияси тараққиётидан келиб чиқиб тарихда изчилликни таъминлайди. Шу сабабли бу дарсларни босқичма-босқич ўрганиш жаҳон тарихини узлаштиришни осонлаштиради.

5-синф

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ

Кириш (1 соат)

Бу мавзуда тарих сўзининг маъноси, унинг нимани ўргатиши, қадимги дунё тарихининг асосий предмети, унинг манбалари, қадимги даврдаги маконларни қидириш, ёзма тарихий манбалар, археологик топилмалар, тарихий ҳужжатлар ҳақида сўз боради. Бу соҳада ёрдамчи ҳисобланган археология ҳамда этнография фанларининг аҳамияти ҳақида тушунтирилади. Шунингдек, қадимги давр тарихи даврларга бўлиниб ҳар бир давр ҳақида тушунчалар берилади ва бу тарих Жаҳон тарихининг бир қисми эканлиги айтилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Ибтидоий давр

1-мавзу: Ибтидоий одамлар ҳаёти(2 соат).

Бу мавзуда ерда ҳаётнинг пайдо бўлиши, энг қадимги одамларнинг тузилиши, турмуши, термачилик ва овчилик билан кун кечириши,уларнинг меҳнат қуроллари ҳамда бу қуроллларнинг такомиллашиб бориши, одамлар яшаган манзилгоҳлар, қадимги одамларнинг машғулотлари, уларнинг тўда бўлиб яшаш сабаблари ҳақида сўз боради. Одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги турли фикрлар тушунтирилади.

Одамлар меҳнат қуролларининг ривожланиши сабаблари, тош асрига оид қуроллар, оловдан фойдаланишга ўтиш ва унинг аҳамияти, юз минг йиллар аввал ерда совуқнинг бошланиши, овчиликнинг ва балиқ овлашнинг юзага келиши, одамларнинг дастлабки бошпаналари — ғорлар ҳақида ўқувчиларга Ўзбекистон тарихи билан боғлаб тушунтирилади.

2-мавзу: Уруғ жамоаси (2 соат).

Ибтидоий одамлар ҳаётининг ўзгариб боришида, жамоа меҳнатининг роли ва аҳамияти, одамларда ақлнинг ривожланиши билан ибтидоий санъатнинг пайдо бўлиши тушунтирилади.

Уруғ жамоасининг ташкил топиш сабаблари, уруғнинг нима эканлиги, она уруғ ва ота уруғи, оилавий муносабатлар, металлга ишлов беришнинг бошланиши билан бундан 7 минг йилча аввал уруғ жамоаларининг парчаланиши ҳақида билимлар берилиб, ибтидоий даврга таъриф берилади ва унинг турли даврлари ўргатилади.

3-мавзу: Деҳқончилик ва чорвачиликнинг бошланиши (2 соат).

Бу мавзуда бундан қарийб 13 минг йил олдин ернинг исий бошлаши, ўсимлик дунёсининг шимолга сурилиши, болтанинг юзага келиши, деҳқончиликнинг пайдо бўлиши ва унинг сабаблари, ҳайвонларни қўлга ўргатишнинг бошланиши, овчилик,деҳқончилик билан бир қаторда чорвачиликнинг ҳам вужудга келиши, утроқ одамларда касб-ҳунарнинг вужудга келиши, тўқимачиликнинг пайдо бўлиши ва бу билан уруғларнинг емирилиб қабиланинг пайдо бўлиши ҳамда қабила ишларида оқсоқоллар кенгашининг роли тушунтирилади.

Омочнинг ихтиро қилиниши билан металлга ишлов беришнинг бошланиши деҳқончиликда меҳнат унумдорлигининг ошувига сабаб бўлди. Натижада қўшни жамоалар вужудга келиб, бой ва камбағаллар пайдо бўлди. Мулкий тенгсизликнинг пайдо бўлиши сабаблари очиб берилади.

4-мавзу: Ибтидоий одамларда диннинг пайдо бўлиши (1 соат).

Термачилик билан шуғулланган одамларнинг табиат ҳақидаги тасаввурлари, ҳайвон ва ўсимликларнинг келиб чиқиши, ҳаёти ҳақидаги тасаввурлари, табиатдаги даҳшатли воқеалар олдида ожизлиги, руҳларга ва ҳудоларга ишонишнинг пайдо бўлиши, ҳудоларнинг тасвирини ишлаш,бутлар ясаш, дуолар ўқиш, турли маросимлар ўтказиш, қурбонликлар қилиш, инсон жонининг ўлмаслигига ишониш каби билимлар берилади. Тотеизм,анимитизм ва магиянинг моҳияти тушунтирилади.

Такрорлаш — умумлашма дарс. Бу дарсда ибтидоий одамлар ҳаёти ҳақидаги билимлар мустаҳкамланади ва тарихда йилни ҳисоблаш ўргатилади. Бунда эрамиздан олдинги йиллар ҳисоби, бизнинг асримиз ёки бизнинг эрамизнинг бошланиши тушунтирилади.

6-синф

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ҚАДИМГИ ДАВРИ

Кириш (1 соат).

Бу дарсда 5-синфда ўтилган материаллар қисман такрорланиб қадимги Греция ва қадимги Рим тарихини ўрганишда нималарга эътибор бериш лозимлиги айтилади.

1-Мавзу: Қадимги Греция ва грекларда тенгсизликнинг пайдо бўлиши (3 соат).

Бу мавзуда Грециянинг жойлашган ўрни ва табиати, Грециянинг тарқоқлиги, Критнинг аҳволи,буюк ҳалокат даври, Эгей денгизи бўйларидаги дастлабки грек давлатлари, Микена маданияти ёдгорликлари, грекларнинг Трояга қилган юришлари, дорийларнинг Грецияга бостириб кириши, қадимги грек афсоналари, Гомернинг «Илиада» ва «Одиссея» поэмалари, эрамиздан аввалги XI—IX асрларда грекларнинг ҳўжалиги ва ҳаёти, тенгсизликнинг вужудга келиши ва қўлдорликка ўтиш, қадимги грекларнинг дини ўрганилади.

2-мавзу: Эрамиздан олдинги VIII-VI асрларда грек шаҳар-давлатларининг ташкил топиши (3 соат).

Афинада қўлдорлик тузумининг ўрнатилиши ва давлатнинг вужудга келиши. Аттикада ҳўжалик ва қўлдорликнинг ривожланиши. Демос ва зодагонлар, Солон ислоҳотлари, Афина давлати фуқароларининг вазифалари ва ҳуқуқлари, қулларнинг аҳволи ҳақида тушунтирилади.

Спарта давлати, Лаконика ва Мессениянинг табиати, ҳўжалиги ва уларнинг дорийлар томонидан истило қилиниши. Спартадаги тенгсизлик, уларнинг қонунлари, спарталикларнинг турмуши, давлат тузилиши ва тарбияси, грекларнинг денгиз соҳилларини колония қилиши, Ўрта денгиз ва Қора денгиз соҳилларидаги грек шаҳар-давлатлари, грек шаҳарларининг савдо ва маданий алоқалари ҳақидаги маълумотлар берилади.

3-мавзу: Эрамиздан аввалги V асрда Греция-да қулчиликнинг ривожланиши ва Афинанинг юксалиши (2 соат).

Грек-Эрон урушлари,Марафон жанги, Кайхисравнинг Грецияга бостириб кириши, Фермопил ёнидаги жанг, Саламин жанги, грекларнинг узил-кесил ғалабаси ва унинг сабаблари, эрамиздан аввалги V асрда Афинанинг қудрати ва бойлиги, Афинада халқ йиғини, Перикл ҳукмронлиги, Афинада демократия ва унинг қулдорлик ҳаракати, Афинадаги ижтимоий ҳаёт ҳақидаги тушунчалар берилади.

4-мавзу: Эрамиздан аввалги V-IV асрларда Эллин маданияти (3 соат).

Қадимги Грек маданиятининг шарт-шароитлари, грек алифбоси, қадимги Грециядa фан, мактаб ва маориф, Демокрит таълимоти, Аристотель ва Геродотнинг ижоди, театр ва унинг греклар ҳаётидаги аҳамияти, халқ сайллари, архитектура ва ҳайкалтарошлик, рассомлик, поэзия ва адабиёт; олимпия ўйинлари, Эллада маданиятининг аҳамияти тушунтирилади.

5-мавзу: Шарқий Ўрта денгиз бўйи Грек-македон давлати (2 соат).

Эрамиздан аввалги IVасрда Грек шаҳар-давлатларининг инқирозга юз тутиши, Греция устидан Македония ҳокимиятининг ўрнатилиши, Македония монархиясининг кучайиши, Херонея жанги ва Македонский давлатининг ташкил топиши, Грек-македон қўшинларининг Шарққа юриши, Гавгамела жанги ва Эрон подшолигининг қулаши, Ўрта Осиё ва Ҳиндистонга юришлар, Александр Македонский давлатининг парчаланиб кетиши. Эрамиздан аввалги III-II асрларда шарқий Ўрта денгиз бўйи мамлакатларининг ҳўжалиги ва маданияти, Мисрдаги Александрия шаҳрининг қурилиши, фан ва санъатнинг ривожланиши ҳақидаги билимлар берилади.

Такрорлаш-умумлаштириш дарси (1 соат)

7-синф

ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

Кириш (1 соат)

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Илк ўрта асрлар

1-мавзу: V-XI асрларда Ғарбий ва Марказий Европа (5 соат).

Бу мавзу бешта машғулотдан иборат. Ҳар бир машғулотнинг ўзига хос хусусиятини айтиш ва шундан кейин ўрта асрчиликнинг илк даври тарихидан мавзуларни қўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бу бўлим бир неча машғулотдан иборат бўлиб, ундаги мавзулар Европа (асосан Ғарбий Европа) мамлакатларида йирик ер эгалигининг ўсиш жараёни билан боғлиқдир. Аввалмбор, халқларнинг буюк кўчиб юришлари ва Франк давлатининг ташкил топиши, Хлодвик давридаги шоҳ ҳокимияти, христианликни қабул қилган франкларнинг қонунлари, Буюк Карл империясининг ташкил топиши ва унинг парчаланиши каби муаммоларни ёритиш керак бўлади. Шундан сўнг «Ғарбий Европада феодал тарқоқлиги» ва «Илк ўрта асрчилик даври зодагонлар ҳамда деҳқонлар ҳаёти ва турмуши» мавзуларини ўрганиш тавсия этилади. Бу мавзуларни ёритишда вассаллик муносабатлари, феодал поғоналари, ижтимоий зодагонлик, феодаллар,рицарлик, феодал қасрида рицарлик маданияти, деҳқонлар ва уларнинг турмуши, ўрта аср қишлоқларининг қиёфаси каби масалаларга эътибор бериш тавсия этилади.

2-мавзу: VI-XI асрларда славянлар, славян давлатларининг ташкил топиши. Киев Руси (2 соат)

Бу мавзуни ўрганиш жараёнида славянларнинг жойлашиши, уларнинг машғулоти ва ижтимоий тузуми, славянларнинг уч тармоғини кўрсатиш мақсадга мувофиқдир. Славян давлатлари; қадимги Рус давлати — Киев Русининг ташкил топиш ва ривожланиш жараёнини ёритиб бериш зарур.

Айни пайтда Чех ва Польша давлатлари, славянларнинг қўшинлари, Муқаддас Рим империяси,Венгер давлатининг ташкил топиши, Киев князларининг юришлари, христианликнинг Русь учун аҳамияти масалаларига ҳам эътибор бериш лозим.

3-мавзу: VI-XI асрларда Европа маданияти (1 соат).

Бу мавзуни ўрганишда илк ўрта асрчилик маданияти тараққиётининг ўзига хос хусусиятларини таъкидлаб кўрсатиш ва қаҳрамонлик эпослари, «Авлиёлар ҳаёти», Оврўпо маърифатининг юзага келишини ажратиб кўрсатиш лозим. Шу билан бирга диний мактабларнинг аҳволи, маориф ва черков, қўлда ёзилган китоблар, Кирилл ва Мефодий томонидан славян ёзувининг яратилиши ва унинг тарқатилиши, адабиёт, халқ оғзаки ижодига, Русдаги бадиий ҳунармандчилик, меъморчилик масалаларига тўхталиш зарур.

4-мавзу: VI-XI асрларда Византия империяси ва Яқин Шарқ (2 соат).

Ушбу мавзуни тушунтиришда Византия империясининг ривожланиши (шаҳарлар ва савдо-сотиқ, императорларнинг ҳукмронлиги)нинг ўзига хос хусусиятлари очиб беришни,қўшнилар(славян ва арабларнинг бостириб кириши ва уларнинг оқибати) билан ўзаро муносабатларини, Византия маданияти, унинг Ғарбий Оврўпо мамлакатлари, Болгария, Киев Руси, Грузия, Арманистон ривожига таъсирини кўрсатиш таклиф этилади.

5-мавзу: VI-XI асрларда Араблар (2 соат).

«VI-XI асрларда араблар» мавзусини ўрганишда ислом ва араб қабилаларини бирлаштиришда унинг роли, араб халифалиги ва унинг парчаланиши, ислом дунёсининг вужудга келиши каби масалалар ёритилиши зарур деб ҳисоблаймиз. Исломнинг келиб чиқиши мавзусини ўрганишда Ўзбекистон тарихи билан алоқасини боғлаб кўрсатиш керак. Буйсундирилган халқларнинг озодлик ҳаракатларига диққатни қаратиш зарур.

Халифаликка қарашли мамлакатлар маданияти — фан(айниқса, Марказий Осиёлик олимлар таъсири) маориф, адабиёт, архитектура ва санъатнинг бошқа турларининг ривожланишини алоҳида дарс сифатида ўтиш, араб дунёси маданиятининг антик маданият билан алоқасини кўрсатиш лозим .

Илк ўрта асрлар (V-XI асрлар) бўлимининг ўрганишни тугатар экансиз, Шарқ-Ғарб халқлари ривожланишидаги умумийлик ва ўзига хослик хусусиятларини кўрсатиш, Ғарбий Европа, Византия, Шарқда диний ва маънавий ҳукмронликнинг ўзаро алоқасига эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсида (1 соат) ушбу даврнинг асосий хусусиятларини ва унинг ибтидоий ҳамда бошқа даврлардан фарқини уқдириш зарур.

8-синф

ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ ЯНГИ ДАВРИ (1-ДАВР)

Кириш (1 соат)

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

Бозор иқтисодига асослаган жамиятнинг шаклланиши

1-МАВЗУ: XVII асрда Англия буржуа инқилоби. Саноат тўнтаришининг бошланиши (2 соат).

Бу мавзуда XVII аср бошларида Англияда ижтимоий-иқтисодий шароитни, халқнинг ва абсолют монархиянинг аҳволини ҳамда инқилобни келтириб чиқарган сабабларни ва унинг босқичларини очиб бериш (1640-1653 ва 1688-1689- йиллардаги инқилоблар) Жон Лильберн, Жерар Уинстенли, Оливер Кромвель, Вильгелм Оранский каби шахслар ҳақида ўқувчиларнинг кенгроқ маълумот олиши мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг Англиянинг инқилобдан кейинги иқтисодий ва сиёсий тараққиёти: саноат тўнтариши, XVII аснинг иккинчи ярмидан бошлаб Англиянинг жаҳон иқтисодиётига устунлик қилишини ёритиш керак бўлади. Шунингдек, XVII асрда саноат тўнтаришининг ўзига хос хусусиятларини, меҳнаткашларни шафқатсиз эзиш, турли минтақаларда иқтисодий тараққиётнинг ўзига хослигини, улар тараққиётидан нотекислигининг кучайишини очиб бериш керак. Бу мавзуда саноат тараққиётининг сабабларини чуқур ўрганиш, уни фақат капиталистларнинг очкўзлигига боғлаб қўймаслик зарур. Тўғрироғи, ишлаб чиқаришнинг афзаллиги масалаларига эътиборни кучайтириш замон талабидир.

Якунида XVII аср Европада классик шаклда гуллаб-яшнаган аср бўлганлигини таъкидлаш зарур. Европанинг протестантлар ва Рим католик мамлакатларига бўлиниб кетганлигини ёритиш фойдалидир.

2-мавзу: XVII - XVIII асрларда Шимолий Америка(2 соат).

Бу мавзуда XVII - XVIII асрларда Шимолий Американинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, инглизларнинг ерли халқларга муносабати, қулчиликнинг кучайиши, мустақиллик учун курашнинг авж олганлиги ва мустақиллик ҳаракати йўлбошчилари ва уларнинг келиб чиқиши, Ж.Вашингтон, Т.Жефферсон, «Мустақиллик Декларацияси» инқилобнинг ички ҳаракатга келтирувчи кучлари, миллий-озодлик инқилобини тезлаштириш омили эканлиги, АҚШнинг ташкил этилиши—маърифатнинг ифодаси, мустақилликка эришишда Испания ва Франциянинг Конституцияси — ҳуқуқий давлат асосига пойдевор қўйган Конституция эканлигини ўзлаштириши лозим.

3-мавзу: Француз буржуа инқилоби, Наполеон Бонапарт диктатурасининг ўрнатилиши ва емирилиши (2 соат).

Бу мавзуда XVII аср охири XVIII асрда Франциянинг сиёсий тузуми ва ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ички ва ташқи сиёсати, инқилобий вазиятнинг юзага келиши ва инқилобни келтириб чиқарган омилларни очиб бериш, унинг бошланиши ва давларини кўрсатиш, инқилоб раҳбарлари Лафайет, Мирабо, Дантон, Марат, Робеспьер, Сени-Жюстлар фаолиятини очиб бериш, инқилобнинг ривожланишида асосий тамойилларни инқилобий урушларни ва унинг салбий томонларини ҳамда асосий ҳаракатлантирувчи кучларни кўрсатиш керак.

Инқилобнинг биринчи даврида йирик буржуазия вакиллари ҳам, иккинчи даврида жирондистлар ҳам халқнинг аҳволини яхшилаш учун жиддий тадбирлар ўтказа олмаганлигини уқтириш зарур бўлади.

Шундан сўнг, ўқувчиларни Якобинчилар инқилоби аксилинқилобми ёки инқилобнинг давом этишими деган муаммо ҳақида ўйлаб кўришга даъват этиш керак. Инқилобда зўравонлик қилиш, унинг «аҳамияти»ни очиб бериш, халқ оммасининг ўрнини аниқлаш, инқилобда плебей қатламлар (халқ ва тўда) «қутурганлар» муаммоларини ёритиб бериш лозим. Директория аксилинқилобми ёки инқилобнинг давом этишими, инқилобнинг натижаси ва аҳамияти қандай бўлди, инқилоб мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий, фан ва маданият ривожланишига қандай ҳисса қўшди, деган саволларга жавоб бериш тавсия этилади.

Айни пайтда Франциянда Наполеон Бонапарт диктатурасининг ўрнатилиши жараёни ва унинг натижаларини, Наполеон даврида Франция қандай бўлганлигини ёритиш тавсия этилади. Бу ерда консуллик-ҳукмронлигининг (ҳарбий буржуазия диктатураси) характери ва тузумини таъкидлаш, империянинг ички ва ташқи сиёсатини, Наполеон урушларининг характери ва аҳамиятини очиб бериш, Наполеон урушлари «XIX аср бошидаги жаҳон уруши» , улар буржуазия асосларини зўрлик йўли билан тарқатиш усули эканлигини кўрсатиш лозим.

«Наполеон империясининг емирилиши» масаласини қўриб чиқиш вақтида Европа мамлакатларидан Наполеон Бонапартга қарши миллий-озодлик курашининг бориши, Россияда француз армиясининг тор-мор этилиши, Бурбонлар монархиясининг тикланиши, Вена конгресси ва унинг аҳамияти, «Муқаддас иттифоқ», Европада урушдан кейинги тинчлик асосларининг вужудга келиши каби масалаларни ёритиш тавсия этилади.

4-мавзу: XVII аср охири ва XVIII асрнинг биринчи ярмида Россия (2 соат)

Бу мавзуни Россиянинг XVII аср охиридан бошлаб ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишдан бошлашни тавсия этамиз. Айниқса, янги ижтимоий иқтисодий муносабатларнинг тараққий этиши, майда товар ишлаб чиқаришнинг ривожланиши, мануфактураларнинг вужудга келиши, шаҳарлар ва савдонинг ривожланиши, бутун Россия бозорининг шакллана бошлашига алоҳида эътибор бериш зарур. XVII аср охирида Россиянинг ички сиёсий аҳволини қўриб чиқаётганда подшо яккаҳокимлик ҳукмронлигининг кучайиши, деҳқонларнинг ўла забунликда тутилиши, черковнинг бўлиниб кетиши, шунингдек, Украинанинг Россия билан қайта қўшилиши ва Степан Разин бошчилигидаги деҳқонлар уруши ҳамда Сибирнинг мустамлакага айлантирилиши ҳақида, сўнгра эса XVII аср охирида рус маданиятининг ривожланишига тўхталиб ўтиш керак.

Бизнингча, XVII- XVIII асрларда Россиянинг аҳволи, бу даврда Россия давлатининг ички ва ҳалқаро аҳволини, мамлакатда келиб чиққан ички узгаришларнинг сабабларини, фаол ташқи сиёсий фаолият (Шимолий уруш ҳаракатидаги армия ва флотнинг тузилиши) масалаларини очиб бериш фойдалидир. XVIII аснинг биринчи чорагида Россиянинг ривожланишини ёритишда мамлакатнинг иқтисодий аҳволига, манифактура ва савдонинг ривожланишига алоҳида тўхталиш зарур. Пётр 1 нинг давлатни бошқаришда абсолютизмни ўрнатишдаги ислоҳотларининг мазмуни ва аҳамиятини кўрсатиш муҳимдир. Сўнг XVIII аср ўрталарида Россиянинг ривожлантириш тарихини ёритиш, шу жумладан, дворянларга берилган имтиёзлар ва Россиянинг етти йиллик урушдаги иштирокини ёритишни таклиф этамиз.

5-мавзу: XVIII аснинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг бошларида Россия (1 соат).

Бу мавзуда даставвал икки аср оралигида Россия иқтисодиётининг аҳволи, ички ва ташқи сиёсатига оид маълумотлар билан ўқувчиларни таништириш мақсадга мувофиқдир. Бунда Россия маърифатпарварлик абсолютизмига (Екатерина II), феодал крепостной ҳўжалиги инқирози бошланиш жараёнига (капиталистик манифактураларнинг ривожлантириши) деҳқонларнинг табақаланишига эътибор қаратиш керак. Крепостной тузумнинг кучайиши ва бунинг оқибатида Е.Пугачёв бошчилигидаги деҳқонлар урушининг келиб чиққанлиги, деҳқон урушидан сўнг чоризм ва ички сиёсатни (Павел 1) ажратиб кўрсатиш лозим. Ташқи сиёсатда Россия-Туркия уруши ва Россиянинг Францияга қарши коалициясида қатнашишга эътибор бериш . Бу даврда Россия халқларининг ҳаёти ва маданияти ҳақида гап кетганда маориф ва фаннинг ривожланиши, ижтимоий-сиёсий фикр ва адабиёт, архитектура, ҳайкалтарошлик, тасвирий санъат ҳақида кўпроқ тўхталиш тавсия этилади.

«Россия XIX аср бошида» (1801-1815) мавзусини ўрганишда XIX аср бошидаги Россия империясини, унинг иқтисодий ўсишини, айниқса, сиёсий тузумини, 1801 йилдаги давлат тўнтариши ва Александр 1 нинг подшоҳ қилиб кўтарилишини кўрсатишни тавсия этамиз. Асрнинг бош вазифаси: деҳқонлар масаласи ва Александр 1 ҳукмронлик қилган вақтда самодержавия, ҳукуматнинг ички сиёсати, аср бошидаги ислоҳот ва уларнинг муваффақиятсизлиги, XIX аср бошида Россиянинг ташқи сиёсати, 1808-1809 йилдаги рус-швед уруши ва унга Финляндиянинг қўшилиши каби масалаларни ечиб бериш лозим. Яқин Шарқ сиёсати, Кавказда, Қора денгизда мавқеини мустаҳкамлаш, Оврўпа сиёсати, Наполеон Франциясига қарши урушда коалицияда қатнашиши, 1812 йилги Ватан уруши, рус армиясининг 1813-1814 йиллардаги ҳарбий юришларини ҳам тушунтириш зарур.

6-мавзу: XII аср охири ва XIII асрда фан ва маданият (2 соат).

XII аср охири ва XIII асрларда жамиятда рўй берган маънавий жараёнлар, маданият ва фаннинг ривожланиши билан боғлиқ мавзуни ўрганишда «Уйғониш идеологияси (ғояси) XII аср охири ва ундан кейинги даврларда янгича фикрлар» масаласини алоҳида кўрсатиш лозим. Бунда XII асрдаги уйғонишнинг хусусиятларини, спектицизм , илмий инқилобнинг аҳамиятини, Френсис Бэкон, Кеплер, Декарт, Ньютоннинг хизматларини, шунингдек, жамиятда шахслар, Жон Локкнинг ўрни, XVIII асрда Англия маърифатини кўрсатиш мақсадга мувофиқ. Шундан сўнг XVIII асрда мамлакатлар ва халқларнинг маънавий ўсишининг асосий йўналишлари, либерализм ғояларининг туғилиши, Адам Смит, XVIII аср Француз маърифати (Вольтер, Дидро,Монтесье, Руссо), озодлик, тенглик, қардошлик ва ҳуқуқий давлат ғояларининг пайдо бўлишига ўтиш тавсия этилади.

XVIII асрда фан ва маданият, адабиёт ва санъатнинг баъзи бир ютуқларини, классицизм ва маърифат реализмидан (сентименталь) руҳий романтизмга ўтишни кўрсатиш, XVII-XVIII асрларда кишиларнинг турмуш ва аҳволини ёритиш мақсадга мувофиқ.

Такрорлаш-умумлаштириш дарсида (1 соат). XVII асрнинг 2-ярми - XIX аср бошларигача бўлган янги давр тарихини ўрганишнинг тўла жараёнини таҳлил этиш, шунингдек, жаҳон халқлари ва мамлакатлари ривожланиши натижаларини қўриб чиқиш мумкин. Айни пайтда Франция, Англия инқилобларини таққослаш, уларнинг оқибатини, ишлаб чиқариш кучларини ривожлантиришга туртки бўлганлигини, бозор иқтисодининг тезлик билан ривожланганлигини кўрсатиш муҳим. XIX аср бошида жаҳон мамлакатлари тараққиётини таърифлаб уларнинг иқтисодий тараққиёти, айниқса, сиёсий тузум, ижтимоий фикрнинг ўсишини таъкидлаш лозим.

9-синф

ЯНГИ ДАВР

Кириш (1 соат)

БИРИНЧИ БЎЛИМ

Европа ва Америка давлатлари

1-мавзу: Франция ва Пруссия уруши ва Париж коммунаси (3 соат).

Ушбу мавзуда Франция - Пруссия уруши арафасида иккала мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий аҳволи, Франция-Пруссия урушининг сабаблари, уруш ҳаракатларининг бориши ва Седан ёнида Француз армиясининг енгилиши ҳамда унинг сабаблари, 1870 йил 4 сентябрь буржуа инқилоби, Халқаро ишчилар ҳамжамиятининг Франция-Пруссия урушига муносабати. Халқ оммасининг герман армияси ва «миллий мудофаа» ҳукуматига қарши кураши, Парижнинг таслим бўлиши, Франкфурт сулҳи ёритиб берилади.

Париж Коммунасининг ижтимоий-иқтисодий тадбирлари ва унинг моҳияти. Коммунанинг деҳқонларга нисбатан сиёсати, вилоятларда Коммунанинг қўллаб-қувватланиши, Коммунанинг байналмилалчилиги ҳақида билимлар ўзлаштирилади.

Коммунада сиёсий гуруҳлар кураши, Коммуна фаолиятида йўл қўйилган хатолар, Германиянинг Коммунага қарши интервенцияси, Коммунанинг версалчиларга қарши кураши, Коммунанинг енгилиш сабаблари ва Коммунага ҳозирги қарашлар ёритилади.

2-мавзу: Германия XIX аср охири ва XX аср бошларида (3 соат).

Бу мавзуда XIX аср охирида Германиянинг ички ва ташқи сиёсати, Германиянинг бирлаштиришнинг тугалланиши, 1871 йилги империя Конституцияси, Германиянинг иқтисодий тараққиёти, монополияларнинг ривожланиши, қишлоқ ҳўжалигида бозор иқтисоди тараққиёти, Бисмарк ҳукуматининг ички сиёсати, «Культур кампф», Социалистик ҳаракат,«Фавқулодда қонун», Бисмаркнинг ташқи сиёсати, Учлар иттифоқининг тузилиши, Германиянинг мустамлакачилик сиёсати ҳақида билимлар берилади.

XX аср бошларида Германия, Германиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Германия империализминнинг характери, шовинзм ва ирқчилик, Бюловнинг ички сиёсати. Германиянинг ташқи сиёсати, Бағдод темир йўли, Германиянинг йирик давлатлар билан муносабатлари, ижтимоий ҳаракатлар, Бетман Гольвегнинг ички ва ташқи сиёсати масалалари очиб берилади.

3-мавзу: Франция XIX аср охири ва XX аср бошларида (3 соат).

Ушбу мавзуда XIX аср охирида Франциянинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти, «Судхўр» иқтисоднинг пайдо бўлиши, 1875 йил Конституцияси, республикачилар билан монархистлар ўртасида кураш, Учинчи республиканинг инқирози, Франциянинг ташқи сиёсати ва мустамлакачилик агрессияси ҳақида билим берилади. Шунингдек, Россия-Франция иттифоқи, Францияда ижтимоий ҳаракат, Гед ва Лафарг фаолияти, оппортунизмнинг кучайиши анархо-синдикализм, Дрейфус иши ва Мильеран воқеаси ёритилади.

XX аср бошларида Франциянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, ҳукуматнинг ички сиёсати, Францияда ҳаракат, анархо-синдикализм ҳаракати, Пуанкарьенинг ички ва ташқи сиёсати, Франция мустамлакачилиги, Ж.Жорес фаолияти, Сиёсий инқирознинг етилиши очиб берилади.

4-мавзу: Англия XIX аср охири ва XX аср бошларида (3 соат).

Бу мавзуда XIX аср охирида Англиянинг иқтисодий тараққиёти ва унинг ривожланган давлатларга нисбатан орқада қолиши, монополияларнинг ривожланиши, Англияда икки партияли тизим, Англиянинг мустамлакачилик сиёсати, Ирландия масаласи, Д.Чемберлен сиёсати, Солсбери кабинети, Англиянинг йирик давлатлар билан олиб борган муносабати, ижтимоий ҳаракатнинг кучайиши, тред-юнионизм ҳаракати ва турли хил оқимларнинг фаолияти ёритилади.

XX аср бошларида Англиянинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи, Инглиз жамиятининг характери, жаҳонда Англия мавқеининг заифлашуви, Бальфур ва Кемпбелл-Баккерман кабинетлари, Д.Чемберлен сиёсати, Англиянинг ижтимоий ҳаракати, Лейборизмнинг моҳияти, Ллойд-Жорж фаолияти, 1911 йилги парламент ислоҳоти, Ирландиядаги аҳвол, сиёсий инқирознинг етилиши очиб берилади.

10-СИНФ

Жаҳон тарихининг энг янги даври (1914-1945)

Кириш (1 соат).

Биринчи жаҳон урушининг келиб чиқиши, характери ва унинг жаҳон харитасига таъсири. Жаҳоннинг икки лагерга ажралиши, саноатнинг инқирозлар билан ривожланиши, Шуро жамиятидаги инқирозларнинг хаспўшланиши, урушқоқ кучларнинг тажовузкорлиги ва фашизмнинг моҳияти, режали иқтисод ва бозор иқтисоди жамияти ўртасидаги сиёсий, ғоявий ва ҳарбий кураш, иккинчи жаҳон урушини келтириб чиқарган омиллар уруш даврида ўзбек халқи қаҳрамонлиги, урушнинг сиёсий харитага таъсири ёритиб берилади.

БИРИНЧИ БЎЛИМ.

Биринчи жаҳон уруши ва Россиядаги давлат тўнтаришлари

1-мавзу: Биринчи жаҳон уруши (2 соат).

Бу мавзуда биринчи жаҳон урушининг сабаблари, бошланиши ва 1914-1915 йиллардаги уруш ҳаракатлари, XX аср бошларида дунёни қайтадан бўлиб олиш учун курашнинг кучайиши, урушга қарши ҳаракатнинг заифлиги, уруш йилларида йирик давлатлар ўртасида зиддиятларнинг кучайиши ва урушнинг характери. Германиянинг стратегик режаси, 1914 йил Ғарбий фронтдаги уруш ҳаракатлари, Марнадаги, Галициядаги жанглар, «Ялпин тезлигида» уруш режасининг барбод бўлиши, Ғарбий фронтда позицион урушга ўтилиши, Япония ва Туркиянинг, Италия ва Болгариянинг урушга кириши, 1915 йил Шарқий фронтда ва денгиздаги уруш ҳаракатлари,биринчи жаҳон урушида Шарқ мамлакатларининг аҳволи ва тутган сиёсати ёритилади.

Немис қўшинларининг Ғарбий фронтдаги 1916 йилги ҳужуми, Верден жанги, Италиянинг оғир аҳволга тушиши, Русларнинг ҳужуми, Руминиянинг урушга кириши, Антанта давлатларининг Ғарбий фронтдаги муваффақиятсизликлари, дунёни қайтадан бўлиб олиш учун махфий битимлар, 1917-1918 йиллардаги уруш ҳаракатлари, АҚШнинг урушга кириши, Совет Россиясининг урушдан чиқиши, Компъен яраш битими ва биринчи жаҳон урушининг якунлари ўрганилади.

2-мавзу: 1917 йилда Россиядаги давлат тўнтаришлари (2 соат).

Бу мавзуда Россияда февраль буржуа инқилобининг шарт-шароитлари, қуролли қўзғолоннинг бошланиши, Чор ҳукуматининг ағдарилиши ва буржуа Муваққат ҳукуматининг тузилиши, Қўшҳокимиятчилик, Муваққат ҳукуматнинг фаолияти, Ишчи ва солдат депутатлари Советларининг тузилиши ва фаолияти, аксилинқилобий кучлар ҳаракати, июль инқирози, қўшҳокимликнинг тугаши. Инқилобий ҳукуматнинг тузилиши, Инқилобий кучларнинг жипслашуви, Қуролли тўнтариш режаси, Ҳарбий-инқилобий қўмитанинг тузилиши, Петроградда қуролли тўнтаришнинг бошланиши ва ғалабаси, Муваққат ҳукуматнинг ағдарилиши. Бутунроссия Советларнинг II съезди, Халқ Комиссарлари Советининг тузилиши, жойларда Шуро диктатурасининг ўрнатилиши масалалари очиб берилади. Шуро диктатурасининг ўрнатилиши, Москвада қуролли тўнтаришнинг ғалабаси, фронтдаги воқеалар, Марказий Россияда Шўролар ҳокимиятининг қон ва қилич билан ўрнатилиши, «Россия халқлари ҳуқуқлари декларацияси» ҳужжати, Белоруссия ва Болтиқ бўйида Шуро ҳокимияти ва халқ кураши, Кубанда, Донда ва Жанубий Уралда Шуро диктатурасига қарши исёнларнинг бостирилиши, Закавказье, Ўрта Осиё ва Сибирда Шўролар билан халқ кураши, Шуро ҳокимияти юришининг якунлари, Марказда ва жойларда янги давлат аппаратининг тузилиши, РСФСРнинг ташкил этилиши, мазкур воқеаларга бугунги қараш-лар ёритилади.

ИККИНЧИ БЎЛИМ

Дунё биринчи жаҳон урушидан сўнгги сиёсий ва иқтисодий инқироз йилларида

3-мавзу: Россиянинг 1917 йил Октябрь тўнтаришидан сўнг сиёсий ва иқтисодий аҳволи (1 соат).

Умумхалқ мулкига асосланган режали иқтисодиёт асосларининг қурилиши. Биринчи Шуро Конституцияси ва унинг моҳияти, саноатни национализация қилишнинг бошланиши, транспорт, банк ва ташқи савдонинг миллийлаштирилиши, ерни миллийлаштириш, ижтимоий ҳуқуқларнинг эълон қилиниши, мулкдорларга қарши курашнинг кескинлашуви, Озиқ-овқат разверсткаси ва озиқ-овқат отрядларининг қимматбаҳолар, камбағаллар комитети, Биринчи Шуро Конституцияси ва унинг бир ёқлама моҳияти очиб берилади.

Шуро давлатининг ташқи сиёсати ва сулҳ учун кураши. Шуро давлати ташқи сиёсатининг асосий принциплари, умумдемократик сул

PRESIDENT'S CUP UZBEKISTAN INTERNATIONAL TENNIS TOURNAMENT

ФИНАЛГА БИР БАҲЯ ҚОЛДИ



Аввал хабар қилганимиздек «Юнусобод» теннис кортида Узбекистон Республикаси Президенти кубоги учун бўлиб ўтаётган теннис бўйича халқаро мусобақалар муваффақият билан давом этмоқда.

Газетамизнинг ўтган сонида 1/16 босқичга чиққан теннисчилар ҳақида маълумот берган эдик. Улар ўртасидаги учрашувлар жуда қизиқарли кечди. Айниқса, Президент кубоги учун бўлган ўтган йилги мусобақаларда финалга чиқиб, ўзининг санъаткорона маҳорати билан ўзбек теннис ишқибозларининг меҳрини қозонган Марк Россе (Швецария)ҳамда Карстен Брааш (4/6, 7/6(6),6/4) (Германия) ўртасидаги кураш жуда кескин ўтиб, Брааш фойдасига ҳал булганлиги ишқибозларимиз кайфиятини бироз туширгандек бўлди.

Шунингдек, Пиолин(Франция) ҳамда Телеман (Италия) баҳси ҳам шиддатли кечди. Сўнгги омад эса Пиолинга насиб этди. Қолган учрашувлар натижаси қуйидагича бўлди: Кафельников Нанкини, Этлис Волтчковни, Сафин Вассенни, Эскуде Шалкинни, Пискосолидо Левинни, Ҳенман Ронни мағлубиятга учратиб 1/8 босқичга чиқди.

Халқаро мусобақанинг жуфтликлар бўйича бўлиб ўтаётган беллашувлари ҳам финалга яқинлашган сари кескин кечмоқда. Ҳозирча Хадад ва Леви, Пискосолидо ва Телеман, Карлсен ва Шалкин, Куценко ва Велгреен жуфтликлари барча босқичлардан муваффақиятли ўтиб, курашни давом эттирмоқда.

Мухбиримиз

«Устозлар ҳақида энг яхши қўшиқ» кўрик-танловига

МУАЛЛИМЛАР

Сафар БАРНОЕВ шеъри,
Ҳабибулло РАҲИМОВ мусиқаси

Дунё ичра дунёсиз,
Меҳр тўла дарёсиз,
Доноларидан бизларга
Қолган зиё, зар ё.сиз.
Нақорат:
Онажон, муаллимлар,
Отажон,муаллимлар.
Кўрсак кўча-кўйларда,
Базмларда, тўйларда,
Яйраб кетар бағримиз,
Байрам бўлар уйларда.

Онажон, муаллимлар,
Отажон, муаллимлар.

Хайру хўшдан йироқмиз,
Чароғбонсиз,чироқмиз,
Қўлингизда кўз очган
Бизлар қайнар булоқмиз.

Онажон, муаллимлар,
Отажон,муаллимлар.

Боғ дедингиз,боғ бўлдик,
Тоғ дедингиз, тоғ бўлдик,
Биздан Сизга хотира
Сочингизга оқ бўлдик.
Онажон, муаллимлар,
Отажон,муаллимлар.



Xullas...

ҚУРОЛ БИЛАН КИРИЛМАЙДИ

52,7 миллион америкалик болалар янги ўқув йилини металлдан тикланган аркда кутиб олиш билан бошладилар. Ҳар томонда полициячилар. Махсус кузатув, тааржуб? Мақсад нима? Муддао шулки, ҳеч қандай хавфли қурол мактабга йўламасин.

Америка мактабларидан бирида ўтган йили мактабдошлари ва ўқитувчиларига суиқасд уюштирмоқчи бўлган усмирлардан айримлари ўқотар қурол келтиришган эди. Бу нохуш воқеа ҳукуматни сергакликка ундади. «Ёвузлик ва мактаб бир-биридан тамоман йироқдир» деган фикрни нафақат давлат раҳбарлари, балки ўқитувчилар ҳам чин кўнгилдан маъқуллашмоқда.

ҚАРИНДОШ-УРУҒИНГИЗНИКИГА БОРАСИЗМИ?

Ҳар бир оиланинг қанчалаб қариндошлари бор. Узимизнинг ўзбекларда етти пуштини билмоқ ҳам қарз, ҳам фарз бўлганидек, французларда ҳам қонқариндошлик анъаналарига беҳад ҳурмат билан қарашар экан. Бу масала билан мамлакатдаги миллий статистика институти шуғулланади.

Тадқиқотчиларнинг кузатувларига қараганда, бу халқда оила аъзоларининг ўз қариндошлари билан муносабатлари йилдан-йилга яхшиланиб боряпти. Ҳар бир француз камида ўзининг энг яқин 24 нафар туғиштанлари билан тез-тез учрашиб, борди-келди қилиб туради.

Мақташга арзигулик анъана, шекилли. Хўш, сиз қанча қариндошингизникига борасиз? Ва аксинча сизни нечтаси йўқлаб туради?

БУЮК ГЕОГРАФ ХОТИРАСИГА

Зураб Церетал қўлида сайқал топган Христофор Колумбнинг ҳайкали Пуэрто-Рикога урнатилади. Бу 1492 йилда испаниялик денгиз сайёҳлари қўним топган, кейинчалик Америка деб аталган жой бўлиб, Катанья шаҳрининг «Эспарансе» боғидадир. Шу кунларда Санкт-Петербург шаҳридан ҳайкал ортилган икки кема Америка томон йўлга чиқди.

«Бу Русия халқининг Қўшма штатликларга эҳсонидир», деди Россия бадиий академиясининг президенти АҚШ Президенти Билл Клинтон шарафига Кремлда уюштирилган қабул маросимида.

«Янги дунёнинг очилиши» деб номланган бу ёдгорликнинг баландлиги 126 метр. Хотира инъомини буюк географ Христофор Колумбнинг 500 йиллигида очиш мўлжалланмоқда. Испаниянинг Севилья дарёси қирғоқларида эса афсонавий кема мажмуи сингари 40 метрлик «Янги инсоннинг туғилиши» монументи сузишга қўйилди.

Ҳар иккала ёдгорликни туташтириб турган битта нуқта бор. Улар ўтмиш ва янги дунё орасидаги кўприк вазифасини ўтаб турибди.

ana shunaqa gaplar...

Yangi kitoblar

Давримиз талаб-эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир соҳада янгиланиш, изланиш бўлгани каби маданият жабҳасида ҳам ҳукуматимиз қарорлари ва фармонлари асосида бир қатор кўзга кўринарли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, келажагимиз бўлган ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш, уларга ғамхўрлик қилиш, касбга йўналтириш ва келажак учун ҳар жиҳатдан етук кадрларни етказиб бериш иш дастурига айланган. Бу борада Маданият ишлари вазирлигининг истиқболни белгилаш, услубият ва ахборот Республика Маркази раҳбарияти томонидан маданият ва санъат ўқув юртлари, кутубхоналар ва кенг китобхонлар оммасини мусиқа санъатига бўлган ҳавасини орттириш, ёшларни эстетик руҳда тарбиялашдек машаққатли ва шарафли ишларга ҳисса қўшиб, баҳоли қудрат меҳнат қилмоқдалар. Ҳозирги давр талабига жавоб берадиган ўқув қўлланмаларини нашр эттириб уни ўз ўқувчисига вақтида етказиш вазифасини масъулият билан бажаришга эришмоқдалар. Марказ ўзининг 5 йиллик фаолияти давомида «Ўқитувчи», «Абу Али ибн Сино» нашриётлари билан ҳамкорликда иш ташкил этиб, анчагина ўқув қўлланмаларини нашрдан чиқаришга муваффақ бўлдилар. Булардан: Жумадулла Усмоновнинг «Ёш ғижжакчи», Мурод Тошмуҳаммедовнинг «Ғижжак дарслиги», Рустам Ҳужаев ва Файзулло Иброхимовнинг «Орзу», Сувон Усмоновнинг «Рубоб тароналари», Ғулом Қучқоровнинг «Дилрабо», Омонулла Ризаевнинг «Наби Раҳимов», Эргаш Ғуломов ва Эргаш Йўлдошевларнинг «Мактаб-лицей кутубхонасининг ишини ташкил этиш», Жасурбек Расултоевнинг «Ўзбек дутор ижрочилиги», Равшан Юнусовнинг «Мақом асослари», Аҳмаджон Рузиметовнинг «Маданиятда менежмент ва иқтисодиёт асослари», Озод Отамирзаев ва Валерия Гейтшке, Рахбар Муртазаевларнинг «Узбекистан многонациональный: историко-демографический аспект» ва ниҳоят шу йили лотин алифбосида нашрдан чиққан Холмирза Алимовнинг «Фортепиано» каби бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмалари шулар жумласидандир. Алқисса булларнинг барчаси болалар мусиқа мактаблари, ўрта махсус санъат ва маданият билим юртлари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, мусиқа ижодиётини тарихий-назарий жиҳатдан ўрганишга қаратилган.

Мухтасархон КАРИМОВА

Янги қўлланмалар — янги йўлланмалар

ҚЎШИҚ БЎЛИБ КЕЛДИМ...

Қўшиқ бор қорларнинг тўкилишида,
Куй ёнар
гулханнинг тилларида ҳам.
... Ёхуд дунё саҳарларга чўмилган кезлар, оламга бир бора наззора этинг... о, ажиб қўшиқлар. Майсалар титроғида, шамоллар шивирида... яна қўшиқлар!

Мақоланинг мақсади нелигини англагандирсиз, ўқувчим. Ҳа-ҳа, худди шундай. Бугун сиз «Маърифат»нинг меҳмонхонасида кечган яна бир ажиб гурунгнинг тингловчиси буласиз.

Эътибор берган бўлсангиз, сўнгги йилларда республикамиз миқёсида ўтказилаётган турли кўрик-танловларда янги истеъдодлар, янги овозлар кашф этилаяпти. Бизнинг бугунги суҳбатдошимиз ана шундай янги ва яхши овоз соҳибларидан бири Шуҳрат Азизбоев.

Шуҳратжон Фарғонанинг Қувасой шаҳрида туғилган. Оилалик. Икки қиз, бир ўғилнинг отаси. Айни кунда Мудофаа вазирлиги қошидаги Узбекистонда хизмат кўрсаттан «Қуролли Кучлар ашула ва рақс ансамбли»нинг етакчи хонандаси.

Меҳмонимизнинг бугунги ҳаёти билан танишар эканмиз, даставвал Шуҳратжонга шундай савол билан мурожаат қилишга ички бир мажбурият туйдик.

— Айтинг-чи, Фарғонадек гўзал бир юртдан пойтахтга келиб ишлаш шартми? Умуман сизни мана шу Қуролли Кучлар ансамблида хизмат қилишингизда нималар рағбатлантириб турибди?

—Биласизми. Асли Тошкентга келишим қизиқ бўлган. Мен Тошкентга қўшиқ бўлиб келганман, десам ҳам бўлади. Бундан уч-тўрт йил илгари бир куни уйимизга Тошкентдан меҳмонлар боришди. Мен асли санъаткорлар оиласиданман. Шу важдан ўша куни кечқурун меҳмонлар ҳурмати учун уларга бир-иккита қўшиқ айтиб беришимга тўғри келди. Меҳмонлар эса менинг ижроимни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдилар. Ва пойтахтга келишимга даъват этдилар. Шу-шу бўлдию, Тошкентга келдим ва... энди бу ёғини айтсам, кейинги саволингизнинг жавобига ўтиб кетаман.

Аввало айтишим керакки, мен шу ансамблда хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Ва шу даргоҳда хизмат қилишни бурчим деб биламан. Нима учун? Чунки шу ансамблга келиб менинг ҳаётим бутунлай узгарди. Биринчидан, ҳали хизматимга бир йил тўлар-тўлмас уч хонали уй беришди. Қоларса, биз ҳарбий ансамблмиз. Ижодимизнинг, илҳомимизнинг замирида Ватан бўйлаб турибди. Ватан ҳақида куйлаш бахти нақадар улуғ.

— Сиз хизмат қилаётган ансамблнинг юксак эътиборга арзирли қандай жиҳатлари бор.

— Биз ансамблимиз билан вилоятларга чиқиб, ҳарбий гарнизонларда аскарларга концерт берамиз. Шундай пайтларда Ватан, миллат, юрт ҳақидаги ҳайқириқларимизни тинглаётган йигитлар юзида беихтиёр қатъият, жиддийлик пайдо бўлади. Уйланиб қоламан, биз ҳам бугун ҳар қалай ёшларимизга Ватаннинг, озодликнинг қадри нечоғлигини англаб олишида ҳисса қўшаяпмиз.

— Шуҳратжон, сиз шу ансамбль елкасида туриб эл-юртга таниляпсиз. Сизнинг бу муваффақиятларингизда кимларнинг улуши бор?

— Бизнинг жамоамизда бугунги кунда элликка яқин киши хизмат қилаяпти. Жамоамизнинг ва жамоамиздаги ҳар бир кишининг бугунгача эришган неки ютуғи бор, барчаси номидан республика Мудофаа вазирлигига раҳмат.

Шундан сўнг Шуҳратжон ансамблнинг бугунги қилаётган ишлари, келгусидаги режалари ҳақида узоқ гапириб берди. Биз эса барчасига ишонган ҳолда Шуҳратжон Азизбоевнинг эндиги ишларига улкан зафарлар тиладик.

Суҳбатдош: Алишер НАЗАР

Sport maydonchasi

Манзил кўринмоқда

Футбол бўйича мамлакат чемпионати олий табақа жамоаларининг 20 - тур учрашувлари ҳам қизғин курашлар остида ўтди. Унда «Пахтакор» - «Сурхон» - 7:1, «Навбаҳор» - «Нефтчи» - 2:2, «Сўғдиёна» - «Хоразм» - 1:1, «Насаф» - «Дўстлик» - 0:0, «Металлург» - «Бухоро» - 0:0, «Зарафшон» - «Темирйўлчи» 2:3, «Косонсой» - «Андижон» - 2:4, «МҲСК» - «Трактор» - 0:2 ҳисоблари қайд этилди.

Ғалаба баҳоси

«Катта дубулға» сирасига кирувчи, мукофот миқдори 14 миллион АҚШ долларига тенг бўлган теннис бўйича АҚШ очиқ чемпионати якунланди. Унда жаҳоннинг 3 - теннисчиси австралиялик Патрик Рафтер ғалаба қозонди.

Пул бўлса чангалда шўрва (ми)?

Англиянинг машҳур «Манчестер Юнайтед» жамоасини клуб раҳбарияти 1 миллиард АҚШ доллари эвазига австриялик мультмиллиардер Рупорт Мердакка сотишга қарор қилинди.

Бош вазир Тони Блеердан тортиб оддий фуқароларгача бу савдодан норози.

Маҳорат кўриги

Швецияда ўтказилган юнон - рум кураши бўйича жаҳон чемпионати ғолиблари билан танишинг: 54 кг. Сим Ван Хо (Корея), 58 кг. Ким Ин - Саб (Хитой), 63 кг. Мхитар Манукян (Қозоғистон),69кг. Александр Третьяков (Россия), 76 кг. Бахтиёр Байсетов (Қозоғистон), 85кг. Александр Меньшиков (Россия) 97 кг. Гоги Кожуашвили (Россия), 130 кг. Александр Карелин (Россия).

ГОЛ! ГОЛ! ГОЛ!

Олий табақа жамоалари футболчиларининг тўпурарлар баҳсида Миржалол Қосимов («Пахтакор») пешқадамлик қилаяпти. У ҳозиргача рақиблар дарвозасини 16 бор ишғол қилди.

ЁШ ЭКОЛОГЛАР ИШ БОШЛАДИ

Узбекистон ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасида янги 1998-1999 ўқув йили бошланди. Бу ерда ўқув йили очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда халқ таълими вазири Ж.Йўлдошев ёшларни янги ўқув йили билан қутлаб, нутқ сўзлади.

Шундан сўнг сўзга чиққан Узбекистон ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси директори, профессор Э.Турдиқулов, Юнусобод туманидаги 499-боғча мудираси М.Абдуллаева, шу тумандаги 288-мактаб «Ёш экологлар» тўгараги раҳбари Л.Султонова, Акмал Иқромов туманидаги 81-мактаб тўгарак раҳбари Б.Зайнутдинов ва бошқалар мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тантанали маросим куй ва қўшиқларга уланиб кетди. Узлуксиз экология таълими тизимидаги боғча ва мактабларда табиат илмини ўрганаётган болалар Ватан, она-табиат ҳақида шеър, қўшиқ ва рақслар ижро этишди.

Ана шундай тантанали маросимлар «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуасининг вилоятлардаги барча бўлинмаларида ҳам бўлиб ўтди. Республикамиз ёшлари мактабдан ташқари муассасаларда фаолият кўрсатаётган тўгаракларда экологиядан сабоқ олишни бошлаб юборишди.

Наима АСҚАРОВА,
Ўзбекистон ёшларининг «БИОЭКОСАН» ўқув-услубий мажмуаси директори ўринбосари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти 1998 йил учун

Докторантурага (13.00.02.) - физика,математика, информатика, меҳнат, тарих каби фанларни ўқитиш назарияси ва методикаси бўйича

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун 40 ёшгача бўлган фан номзоди қабул қилинади.

Докторантурага кирувчи шахслар қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1.Директор номига ариза.

2.Ходимларни ҳисобга олиш варақаси (расм билан) ва таржимаи ҳол.

3.Докторлик диссертациясининг кенгайтирилган режаси ва тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза матни.

4.Матбуотда эълон қилинган илмий ишлар, ихтиро ва илмий тадқиқотлар бўйича ҳисоботлар рўйхати (белгиланган шаклда).

5.Иш жойидан тавсиянома.

Ҳужжатлар эълон чиққанидан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.
ЎзПФИТИ, телефон: 45-56-59.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ

Т.Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти 1998 йилга ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган ҳолда ўқиш учун қуйидаги ихтисослар бўйича

АСПИРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

— Педагогика назарияси ва тарихи (13.00.01.);
— мактабгача тарбия назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— бошланғич таълим назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— ўзбек тили ва адабиёти ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— тарих ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— биология ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— география ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— тасвирий санъатни ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— физика ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— математика, информатика ва ҳисоблаш техникаси назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— рус тили ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.);
— меҳнат таълими ўқитиш назарияси ва методикаси (13.00.02.).

Аспирантурага кирувчилар ихтисослик фани, фалсафа, Ўзбекистон тарихи ва чет тилларининг биридан олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида кириш имтиҳонларини топширадилар.

Танлов имтиҳонларига ихтисос бўйича камида бир йил амалий иш тажрибасига эга бўлганлар, шунингдек, бевосита олий ўқув юртини битирган ёш мутахассисларга фақат олий ўқув юрти (факультет) олимлар кенгаши тавсиясига кўра қўйиладилар.

Аспирантурага ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда 35 ёшгача, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 40 ёшгача бўлган мутахассислар қабул қилинади.

Аспирантурага қабул қилиш тўғрисидаги институт директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, илмий мақолалар рўйхати ёки реферат, бевосита олий ўқув юртини битиргандан сўнг аспирантурага тавсия этилган шахслар учун олимлар кенгаши йиғилишининг қайдномасидан кўчирма, меҳнат дафтарчаси, 2 дона сурат (3х4 ёки 5х6 см ҳажмда), номзодлик имтиҳонлари топширилган бўлса, белгиланган шаклдаги гувоҳнома.

Ҳужжатлар эълон чиққандан сўнг 30 кун давомида қабул қилинади.

Манзилимиз: 700003, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 174-уй.
ЎзПФИТИ, Аспирантура ва докторантура бўлими.

Тошкент шаҳридаги 127-мактаб томонидан Маймаков Дилшод Абутолиповичга 1995 йилда берилган № АИ 513491 сонли тўлиқсиз ўрта маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати, касаба уюшмаси ва жамоаси шу институтнинг илмий-методик ишлар бўйича проректори Анвар Баҳромовга отаси Аҳрор БАҲРОМОВ вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

А.Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти ректорати ва жамоаси шу институтнинг собиқ ходими Баҳром Илҳомовга турмуш ўртоғи Шукурниса УМАРОВА вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир Ҳалим САИДОВ

Навбатчилар: Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Норали ОЧИЛОВ

Газетани IBM компьютерида Лилия Бинашева ва Абдирасул Нарманов саҳифалади

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб— 136-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими— 136-55-58. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

ИНДЕКС: 149, 150. Г-0330. Тиражи 25.810. Ҳажми 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2 босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди-20.00. Г. 123456